ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

26 февраль, пайшанба 1998 йил №23 (525)

Сешанба , пайшанба ва шанба кунлари чиқади

Расмий хабар

24 февраль куни Грузия парламенти Раиси З.Жвания бошчилигидаги шу мамлакат делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси таклифига биноан бир ойлик визит билан Ўзбекистонда бўлди.

Расмий ташриф давомида Грузия парламенти Раиси З.Жванияни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қабул қилди. Шу куни делегация аъзоларини Республика Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов қабул қилди. Шунингдек, делегация аъзолари Вазирлар Маҳкамасида ҳам бўлишиб, Бош Вазир Ў.Султонов билан учрашдилар.

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШ -УСТУВОР ВАЗИФА

Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш якунлари ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётини 1998 йилда ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги

маърузаси

Муҳтарам мажлис қатнашчилари!

Азиз дўстлар!

Яхши биласизларки, биз кейинги йилларда иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич, қадам-бақадам ўтказиш, уларни ҳар бир босқич талабларидан келиб чиққан ҳолда чуқурлаштириш, ҳар бир босқичнинг энг устувор йўналишларини ва мақсадларини белгилаб олиш, кўзланган марраларга эришишнинг механизм ва йўлларини барпо этиш, қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш борасида бутунлай янги йўлни ишлаб чиқдик.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, ўтган йилга жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш, иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада бир йилга мўлжалланган устувор вазифалар қай даражада амалга оширилганини танқидий кўз билан қараб баҳолаш тажрибамиз ижобий натижасини намоён қилмоқда.

Йил сарҳисоби, энг аввало, иқтисодиётдаги ҳақиқий аҳволга тўғри баҳо бера олишимиз учун зарурдир. У ўтган йилда иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳа тараққиёти ва тузилмасида қандай ижобий ҳодисалар рўй бергани, бозор муносабатлари хўжалик фаолиятимизга қай даражада чуқур кириб борганини, иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш йўлида нималар тўсиқ бўлаётганини аниқлаш имконини бермоқда.

Албатта бажарган ишларимизга якун ясашда кўзбўямачилик, ўзимизни алдаш билан шуғулланмаслигимиз ва хотиржамликка берилмаслигимиз керак.

Ўтган ишларга якун ясаб, бу йилги ислоҳотларнинг мақсад ва устувор йўналишларини белгилар эканмиз, бу билан, **авваламбор, халқимиз олдида, жамиятимиз олдида ҳисоб берамиз.** Шу билан бирга, ўз зиммамизга навбатдаги йил учун маълум мажбуриятлар оламиз.

1997 йил якунларини кўриб чиқиш ҳамда 1998 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларини белгилашга ҳам айнан мана шу нуқтаи назардан ёндошиш лозим.

1997 йил биз учун қандай йил бўлди?

Шуни тўла ишонч билан айтиш мумкинки, 1997 йил Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятимизни маънавий янгилаш борасидаги дадил ҳаракатининг навбатдаги босқичи бўлди.

Ўтган йил Ўзбекистонимиз учун чет давлатлар билан самарали сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик йили бўлди. Мамлакатимизнинг халқаро нуфузи, обрў-эътибори ортди. Минтақа ва халқаро майдондаги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш бўйича бир қанча муҳим ташаббусларимиз амалга ошди.

Шуни фахр билан айтаманки, асосий ютуғимиз 1997 йил учун муҳим устувор йўналишларни аниқ белгилаб олганимизда бўлди. Шу боис, бутун эътиборимиз бу вазифаларни оғишмасдан бажаришга қаратилди, зарур ресурслар ўз вақтида оқилона сафарбар қилинди. Шу туфайли ўтган йилда олдимизга қўйилган вазифалар асосан бажарилди.

Энг аввало, бош вазифамиз - макроиқтисодий барқарорликка эришиш борасида ўтган йилларда кўлга киритилган ижобий натижалар янада мустаҳкамланди, иқтисодий ўсиш учун ишончли база яратилди.

Ўтган йили ялпи ички маҳсулот 5,2 фоиз ўсди. Биринчи марта ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми аҳоли сони ўсиши даражасидан ошди. **Бу ялпи ички маҳсулот ҳажмини аҳоли жон бошига 3,2 фоиз кўпайтириш имконини берди.** Халқаро тажрибадан маълумки, айни шу кўрсаткич давлатнинг иқтисодий қудрати ва кишилар турмуши фаровонлиги ошишининг мезони бўлиб хизмат қилади.

Республикамизда эътиборга лойиқ энг муҳим омил - ўсишнинг мустаҳкам базаси яратилганидир. Шу маънода мен 1997 йил натижаларини собиқ шўролар ҳудудидаги бошқа давлатлар натижалари билан таққослашни ўринли деб биламан. Бу давлатларда ўсиш жараёни даражаси ишлаб чиқариш ҳажми беҳад пастга тушиб кетган йиллардаги натижаларга нисбатангина ижобий бўлиб туюлиши мумкин, холос.

Хўш, Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш нималар ҳисобидан юз бермоқда, қандай пойдевор асосида қурилмоқда?

Биринчи навбатда республикада иқтисодий ислоҳотлар ва янгиланишлар дастурини амалга оширишнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ, асосий эътибор иқтисодиёт тузилмасини муайян равишда яхшилаш, унинг бир томонлама, хомашё базаси сифатидаги йўналишидан воз кечишга қаратилди ва ҳозир ҳам шундай қилинмоқда.

Ўзбекистон собиқ шўролар ҳудудидаги саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1997 йилда 1990 йилдаги бошланғич даражадан 12,7 фоиз, жумладан, 1996 йилга нисбатан 6,5 фоиз ортган ягона мамлакатдир.

Ўзбекистонинг 1997 йилдаги иқтисодий ўсишига энг аввало иқтисодиётда ўзлаштирилган капитал маблағ ҳажмининг ошгани /17фоиз/, замонавий технология билан жиҳозланган янги саноат объектлари қурилиши ва ишга туширилгани туфайли эришилди.

Иқтисодий ўсиш иқтисодиётнинг деярли барча соҳа ва секторларида ишлаб чиқариш ҳажми ошгани билан бевосита боғлиқдир. Бу кўрсаткич саноатда 106,5, қишлоқ хўжалигида 105,8,қурилишда 102,6, савдода 112,7, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида 121,3 фоизни ташкил этади.

Биз алоҳида эътибор бераётган асос соҳалар барқарор ва муқим ишламоқда. Нефть қазиб олиш, газ конденсати, табиий газ, ёнилғи-мойловчи материаллар, электр қуввати, кўмир, қимматбаҳо металлар ва бошқа стратегик аҳамиятга молик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди.

Пахта хомашёси, ғалла етиштириш ҳам ошди. Бу қайта ишловчи ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи соҳалар учун мустаҳкам база яратибгина қолмай, республиканинг иқтисодий мустақиллигини ҳам мустаҳкамлади.

1997 йилда халқ хўжалигининг асос соҳалари билан бир қаторда, илғор, фан билан узвий алоқада бўлган соҳалар - автомобилсозлик, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, электротехника саноати, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, шунингдек, бир учун етакчи бўлган истеъмол товарлари, жумладан, болалар учун истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган енгил ва озиқ-овқат саноати ҳам янада ривожланди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 1997 йилнинг ўзида 11,2 фоиз кўпайди.

Нефть ва газ қазиб олиш ҳамда уларни қайта ишлаш саноати, рангли металлургия, автомобил саноатида барпо этилаётган қудратли салоҳият макроиқтисодий барқарорликка ва охир-оқибатда бутун иқтисодиётга ижобий таъсир ўтказувчи, ҳаракатлантирувчи асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Иккинчидан. **Иқтисодиётдаги ўсиш - инфляцияга қарши, молиявий барқарорлик ва пул муомаласи тизимини мустаҳкамлаш борасидаги тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилгани натижасидир.**

1997 йилда давлат бюджетининг даромад ва харажат бўйича мўлжалланган кўрсаткичлари ҳам бажарилди. Бунда бюджет камомади мўлжалдагидан анча паст бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,2 фоизни ташкил этди.

Шуниси муҳимки, бу камомад инфляциядан холи бўлган манбалар - қисқа муддатли давлат облигацияларини 1,5 фоиз сотиш ва банк кредитларидан тушган даромадлар ҳисобидан қопланди.

1997 йилда нақд пул эмиссиясини назорат қилиш ва бошқаришнинг янги механизми жорий этилиб, самарали ишлай бошлади. Жойларда аҳолига савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш, пул массасини товар билан мустаҳкамлаш масалалари билан фаол шуғулланилди. «Ўзбексавдо» ва «Ўзмаишийиттифоқ» тизимларининг янги асосда қайта ташкил этилгани ҳам бунга кўмаклашди.

1997 йилнинг январь-декабрь ойларида нақд пул эмиссияси 1996 йилдаги 26 фоиз ўрнига 7,8 фоизни ташкил этди. Бу ўринда **шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, бюджет ташкилотлари ходимларининг маошлари, пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўз вақтида тўланиши таъминланмоқда.**

Изчил пул-кредит сиёсатининг ўтказилиши туфайли умумий пул массаси ошиши суръати кескин равишда - 2,9 марта пасайди. Бу эса, инфляция даражасини жиловлашда, қисқартиришда ўз аксини топди. Инфляциянинг ўрта ҳисобдаги ойлик суръати 2,1 фоизни ташкил этди ёки 1996 йилдагига қараганда 2 баравар камайди.

Учинчидан. **Пул муомаласининг мустаҳкамланиши, инфляция даражасининг пасайиши аҳолини аниқ йўналтирилган, тарзда иҳтимоий муҳофаза қилиш ва унинг даромадини кўпайтириш бўйича амалга оширилган тадбирлар билан биргаликда аҳолининг кўпгина қатламлари моддий аҳволини сезиларли даражада яхшилаш имконини берди.** 1997 йилда аҳолининг муайян пул даромадлари жон бошига кўзда тутилгандан 10,5 фоиз ошди.

Аҳолининг даромадлари ошибгина қолмай, уларнинг манбалари ҳам ўзгармоқда. Барча даромадларнинг қарийб чорак қисми тадбиркорлик фаолиятидан тушмоқда. Якка меҳнат фаолиятидан тушган даромад улуши 2 мартадан ошиқроққа кўпайди. Деҳқон хўжаликлари фаолиятидан тушган даромад ҳам салмоқли манбага айланди. Буларнинг барчаси бозор муносабатларининг иқтисодиёт ва ҳаётимизга самарали жорий этилаётганидан далолатдир.

Сўмнинг харид қобилияти мустаҳкамлангани ҳамда оилаларнинг муайян даромадлари ошганини алоҳида қайд этиш лозим.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат, барпо этилган аниқ йўналтирилган ижтимоий муҳофаза тизими, ижтимоий таъминот ва серфарзанд оилаларга ёрдам тизимининг

(Давоми 2-бетда).

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ

Президент Ислом Каримов раислигида 25 февраль куни республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда 1997 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ва 1998 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари кўриб чиқилди. Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси ва Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирлар, давлат қўмиталари, концернлар, корпорациялар, уюшма ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисда Президент Ислом Каримов маъруза қилди.

Президентимиз ўз маърузасида асосий эътиборни республика корхоналари, муассаса ва ташкилотларидаги молиявий ҳолат, дебитор ва кредитор қарзлар ҳамда тўлов интизомининг аҳволи, кичик ва ўрта бизнесни, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурнинг амалга оширилиши, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни жадаллаштириш, шартномалар тузиш ва уларнинг бажарилиши каби долзарб масалаларга қаратди.

Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган 1997 йилда республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Хусусан, саноат, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларда яхши натижаларга эришилди. Пул қадрсизланишининг ўртача ойлик суръати икки баробар пасайди. Кўқдумалоқ конида компрессор станцияси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Тошлоқ ип йигирув фабрикаси, нефт, ғаз, озиқ-овқат саноати тармоқларида фаолият кўрсатувчи кўплаб янги корхоналар ишга туширилди. Халқ хўжалигининг барча соҳаларида хусусийлаштиришга кенг йўл очилди.

Аҳолининг ялпи даромадлари ўсди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу даромадларнинг чорак қисми хусусий тадбиркорлик туфайли қўлга киритилди. Буларнинг барчаси изчил олиб борилаётган ислоҳотлар туфайлидир. Зеро, ислоҳотлар ҳаётни, ҳаёт эса кишилар тафаккурини ўзгартиради. Эришилган натижалар «ўзбек модели»нинг ҳаётий эканини кўрсатди, халқимизнинг ислоҳотларга ишончини оширди.

Мажлисда ютуқлар билан бир қаторда, ўйл қўйилган камчилик ва нуқсонларга ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, 1998 йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра, мамлакатимиздаги 302 корхона зарарига ишламоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни амалга ошириш суръати бугунги талаб даражасида эмас.

Бу муаммоларни бартараф этиш фурсати аллақачон етган. Ер кодекси, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи /ширкат хўжалиги/ тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида» ва «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун лойиҳалари муҳокама қилинмоқда. Деҳқонда ерга, мулкка эгалик ҳиссини уйғотиш лозим. Деҳқон ўз меҳнатидан манфаатдор бўлмас экан, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар кутилган натижани бермайди.

Бош вазир ўринбосари, давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси В.Чжен, Марказий банк бошқаруви раиси Ф.Муллажонов, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси раиси Б.Носиров, «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси раиси Б.Эргашев, коммунал хизмат кўрсатиш вазири В.Михайлов, адлия вазири С.Мирсафоев, республика Бош прокурори Б.Мустафоев муҳокама этилган масалалар юзасидан ахборот бердилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

қ а р о р и

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш, шунингдек академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш ва мувофиқлаштириш, уларда баркамол, чуқур билимларга эга бўлган малакали кадрлар тайёрланишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази /бундан кейин Марказ деб аталади/ ташкил этилсин.

Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: ўрта махсус, касб-ҳунар таълими фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш;

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг турлари ва йўналишларини белгилаш, уларнинг республика минтақаларининг жуғрофий, демографик ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини, шунингдек ўқувчиларни ойладан ажратмай тўлиқ қамраб олишни ҳисобга олган ҳолда оқилона жойлаштирилишини таъминлаш;

лицейлар ва коллежларни лойиҳалаштириш ва қуриш юзасидан бош буюртмачи вазифаларини бажариш. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг таълим муассасаларига айлантириладиган мавжуд ўқув юртларининг сифатли реконструкция қилинишини ва тўлиқ тузатилишини таъминлаш;

давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилиши ва уларнинг амалга оширилиши устидан назоратни таъминлаш;

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари педагог ва муҳандис-педагог кадрларини танлаш, тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, фаолияти сифатини ва малака даражасини назорат қилиш;

малакали кадрлар тайёрлаш бўйича жаҳон ва мамлакатимизнинг илғор тажрибаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг моддий ва таълим базаси сифатига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш;

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ахборот билан таъминлаш, янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари илғор педагогик ва ахборот технологияларини яратишни ва ўқув жараёнига жорий этишни ташкил қилиш;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш; академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини моддий-техника жиҳатидан таъминлаш.

2. Олий ва ўрта махсус таълими вазирининг биринчи ўринбосари - Марказ раҳбари лавозими жорий этилсин.

3. Марказ тузилмаси ва ходимлари сони 60 кишидан иборат этиб тасдиқлансин, шу жумладан 35 нафари вазирликлар, улардан: 3 нафари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, 14 нафари Халқ таълими вазирлиги, 18 нафари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳисобидан киритилади.

Белгиланснки, Марказ юридик шахс ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ҳафта муддатда Марказ тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаларини, ташкил этсинлар, уларни маблағ билан таъминлаш, жойлаштириш ва моддий-техникавий жиҳозлашни таъминласинлар.

Қуйидагилар ҳудудий бошқармаларнинг асосий функциялари ва вазифалари этиб белгилансин:

ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, бошқариш ва услубий таъминлаш;

давлат таълим стандартларини амалга ошириш;

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари бинолари ҳамда иншоотларининг янгидан қурилишини, реконструкция қилинишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларининг, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, кадрлардан фойдаланувчи корхоналар билан интеграциясини таъминлаш, ҳомийлик ва васийликни ташкил этиш;

минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳисобга олган ҳолда янги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ҳамда мавжудларини қайта ташкил этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

таълим муассасаларини дарсликлар, ўқув адабиётлари ва дидактик материаллар, компьютер техникаси билан таъминлаш ва жиҳозлаш.

5. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси ва ходимлари сони тасдиқлансин.

Белгиланснки, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари таркибида ташкил этилади ҳамда айни бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига /Марказга/ бўйсунади.

Ҳудудий бошқармаларни Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларининг тўғатилаётган касб-ҳунар-техника бўлимлари ва услубиёт ҳоналари ходимлари ва маблағлари ҳисобидан ташкил этиш таъминлансин.

6. Белгиланснки:

ўрта махсус ва касб-ҳунар-техника таълимининг фаолият кўрсатаётган таълим муассасаларининг ҳамда улар негизида ташкил қилинаётган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари фаолиятига ташкилий, ўқув-услубий ва илмий раҳбарлик қилиш, давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўқув дастурларини унификациялаш, педагогик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига юкланади;

фаолият кўрсатаётган ўрта махсус таълим муассасалари ва улар негизида ташкил қилинаётган Маданият ишлари вазирлигининг, Бадиий академиянинг, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг касб-ҳунар коллежлари уларнинг тасарруфида қолади;

ўрта махсус ва касб-ҳунар-техника ўқув юртлари ҳамда уларнинг негизида ташкил этилаётган тармоқ вазирликлари, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва корхоналарнинг касб-ҳунар коллежлари икки томонлама бўйсунишда бўлади. Тармоқ вазирликлари, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва корхоналар уларни моддий ва молиявий таъминлашни, ўқувчиларни касб-ҳунарга ўргатишни ва уларда амалий кўникмаларни тарбиялашни амалга оширадилар, мутахассисларга бўлган эҳтиёжни аниқлайдилар, битирувчиларни ишга жойлаштириш масалаларини ҳал қиладилар; вазирликлар, идоралар ва корхоналар маблағлари ҳисобига таъминланадиган ўқув юртлари бўйича маблағ билан таъминлашнинг мавжуд тартиби сақланиб қолади.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги икки ҳафта муддатда:

Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

академик лицей ва касб-ҳунар коллежи намунавий уставларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

тармоқ вазирликлари, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва корхоналар билан биргаликда икки томонлама бўйсунишдаги касб-ҳунар коллежларининг намунавий уставини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

1998 йилда тажриба тариқасида ташкил этиладиган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари рўйхатини аниқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Давлат тест маркази академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига ўқувчилар қабул қилиш тартибини икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, барқарор ишлаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг айримларини ташкил этилаётган касб-ҳунар коллежларига васий этиб белгиласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси назоратни таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси: касб-ҳунар коллежлари устидан тегишли ихтисосликдаги олий таълим муассасалари, академик лицейлар устидан эса - Фанлар академиясининг институтлари ҳомийлигини таъминласинлар;

касб-ҳунар коллежи васийси тўғрисидаги Низомни, шунингдек академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ҳомийси тўғрисидаги Низомни икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда амалга киритсинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун педагог ва муҳандис-педагог кадрларни мақсадли тайёрлашни таъминласин.

Касб-ҳунар коллежлари учун малакали педагог ва муҳандис педагог кадрлар тайёрлаш бўйича базавий олий таълим муассасалари сифатида Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ва Наманган индустриал-технология институти белгилансин.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига ва Наманган индустриал-технология институти Наманган муҳандислик-педагогика институтига айлантирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ташкил этилаётган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфига берилсин.

13. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг сифатли таълим ва касб-ҳунар дастурларини яратиш, илғор илмий ва услубий ютуқлар асосида сифатли кадрлар тайёрлаш мақсадида Касб-ҳунар таълими институти ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика касб-ҳунар таълими институти ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика касб-ҳунар-техника таълими ходимларининг малакасини ошириш институти негизида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти ташкил этилсин, у Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига бўйсундирилсин.

14. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти Касб-ҳунар таълими институти ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика касб-ҳунар-техника таълими ходимлари малакасини ошириш институтининг ходимлари сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Касб-ҳунар таълими институти, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика касб-ҳунар-техника таълими ходимлари малакасини ошириш институти штатларини, мол-мулкини ва молиявий маблағларини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти балансига берсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси билан келишган ҳолда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти тўғрисидаги Низомни, унинг илмий тадқиқотлар дастурини ва маблағ билан таъминлаш ҳажмларини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

тегишли вазирликлар ва идоралардан берилаётган штатларни, меҳнатга ҳақ тўлаш фондини ҳамда бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази харажатлари учун республика бюджетида зарур маблағларни назарда тутсин;

Марказга иккита енгил автомашина учун лимит ажратсин, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси транспорт хизмати кўрсатишни таъминласин.

17. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказини Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдони, 6-уйдаги маъмурий бинога жойлаштирсин;

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институтини Тошкент шаҳар, Пушкин кўчасидаги 7-уйга жойлаштирсин.

18. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1998 йил 24 февраль.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан Бағдодда Саддам Ҳусайн билан имзоланган битимини Хавфсизлик Кенгашида кўриб чиқишга тайёрланмоқда. Жаноб Аннан битим бўйича муҳокамалар оғир кечмаслигини айтган. АҚШ билан Буюк Британия эса битим бўйича бирор фикр билдиришдан аввал уни синчиклаб ўрганиб чиқиш керак, деган талабни илгари сурмоқдалар.

***

Исроил Бош вазири Беньямин Нетаньяҳу мамлакатнинг махфий ташкилоти - «Моссад» раҳбарини истеъфога чиқарди. Бу истеъфо исломий раҳбарлардан бирининг ҳаётига муваффақиятсиз суиқасддан сўнг юзага келди. «Моссад» раҳбари Деми Янтеринг ана шу суиқасдни уюштиришда қўли борлиги гумон қилинмоқда.

***

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қочқинлар иши бўйича комиссарлигининг маълумотларига кўра, Сьера-Лионада давом этаётган жанглар оқибатида минглаб аҳоли қўшни мамлакат - Нигерияга қочиб ўтмоқда.

***

Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев ўзининг Японияга ташрифи чоғида бир неча иқтисодий шартномалари имзолади. Улар орасида мамлакатнинг нефть заҳираларидан фойдаланиш бўйича ҳамкорлик битимлари ҳам мавжуд.

***

Нигерияда давлат тизимлари ходимлари, амалдорлар норозилик намойиши уюштирдилар. Улар ҳукуматдан бир неча ойдан бери тўланмаётган ойлик маошларини талаб қилмоқдалар.

***

Жазоирда ҳукумат қуролли кучлари исломий жангариларга қарши ҳужум уюштирганлар. Ҳаво кучлари мамлакатнинг ғарбидаги Твемпсен туманини бомбардимон қилмоқдалар.

***

Грузиядаги БМТнинг гаровга олинган ходимларини озод этиш борасидаги музокаралар Москвада бошланиб кетди. Грузиянинг Россиядаги элчиси гаровга олувчиларнинг вакиллари - собиқ грузин президенти Гамсахурдиа тарафдорлари билан учрашган.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида.

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШ -УСТУВОР ВАЗИФА

(Давоми. Боши 1-бетда).

ислоҳ қилингани жамиятимизда фуқароларнинг даромадлар бўйича қутбларга ва гуруҳларга ортиқча бўлинишининг олдини олди, аҳолининг қашшоқлашувига йўл қўймади.

Аҳолининг пул даромадлари таҳлили шуни кўрсатадики, аҳолининг кам ва ўрта даромад оладиган гуруҳларининг фаровонлиги ошиши ҳисобига энг кўп ва энг кам даромадлар орасидаги фарқ бугунги кунда 7,5 мартадан ошмайди.

Биз барпо этган тизимнинг яна бир устунлиги шундаки, кўпчилик оилалар томорқага, яъни, муайян даромад манбаига, ўзини зарур нарсалар билан таъминлаш имконига эгадир. Бунинг учун тер тўкиш, сидқидилдан меҳнат қилиш керак, холос. Шунинг учун ҳам бизда ишсизлик масаласи у қадар долзарб эмас.

Буларнинг барчаси - **Инсон манфаатлари йили** деб эълон қилинган 1997 йилдаги муайян тадбирлар Дастурининг изчиллик билан амалга оширилгани натижасидир.

Бу борада айнан нималар қилинди, деган савол туғилиши мумкин.

Ижтимоий-маданий тадбирларни молиявий жиҳатдан таъминлаш дастурининг амалга оширилиши учун давлат бюджетидан 123 миллиард сўм ёки барча бюджет харажатларининг қарийб 40 фоизи ажратилди. Шу жумладан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича тадбирларнинг амалга оширилиши учун 30 миллиард сўм, соғлиқни сақлаш, газлаштириш, сув таъминоти ва ижтимоий соҳанинг бошқа объектлари қурилиши учун 34 миллиард сўм ажратилди.

Бу - йил давомида 6,7 миллион квадрат метр уй-жойни ишга тушириш имконини берди. Шундан 5,4 миллион квадрат метр уй-жой қишлоқда барпо этилди. Тураржой сертификатлари бўйича сотиб олинадиган уй-жой нархининг 50 фоизини қоплаш учун бюджетдан 1,2 миллиард сўм ажратилди.

64 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 1,5 минг беморга мўлжалланган шифохоналар, бир сменада 11,7 минг кишини қабул қиладиган поликлиникалар қурилди. Янги ишга туширилган ижтимоий соҳа объектларининг учдан икки қисми қишлоқда барпо этилди.

Аҳоли пунктларини сув ва газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш борасида 4,9 минг километр газ тармоғи ҳамда 1,8 минг километр сув қувурлари тармоғи қурилиб ишга туширилди.

Қишлоқ жойларда 159 та қишлоқ тиббиёт пункти ишга туширилди, 202 та тиббиёт муассасаси қишлоқ тиббиёт пунктларига айлантирилди. Европа Ҳамжамияти Комиссияси кредити ҳисобига 5,3 миллиард сўмлик дори-дармон ва тиббиёт жиҳозлари сотиб олинди.

Бундан ташқари, 30 хил янги дори-дармон ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Мураккаб ўлка шароитимизда ўта зарур бўлган қонга қуйиладиган суюқ эритмалар ишлаб чиқариш бошланди.

Тошкентда «Чорсу» спортсоғломлаштириш мажмуи, «Юнусобод» ёпиқ теннис корти, бошқа бир қанча спорт ва соғломлаштириш муассасалари қурилиши тугалланди. Тошкентдаги ҳайвонот боғининг биринчи навбати қуриб битказилди.

Ногиронларни даволаш бўйича республика маркази ташкил этилди. Тошкентда, Навоийда ва Фарғонада болалар ва катталар учун полиэмилит марказлари қурилди. 16 ёшгача бўлган фарзанди бор оилаларга нафақа тўлаш учун 9,6 миллиард сўм сарфланди.

Илк бор 1-синф ўқувчилари ўқув қуроллари билан, камхарж оилаларнинг бошланғич синфларда ўқийдиган фарзандлари қишки кийим-бош билан таъминланди. Мактаб ва олий ўқув юрти ўқитувчиларининг турмуш шароитини ва меҳнатига ҳақ тўлашни яхшилаш борасида муайян тадбирлар амалга оширилди.

Бадиий академия ташкил этилди. Академия кишиларни тасвирий санъат, халқ ижодиёти жавоҳирларидан баҳраманд этади, кишилар онгида юксак маънавий фазилатлар ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантиради.

«У м и д» жамғармаси ташкил этган танловларда қолиб чиққан юзлаб иқтидорли йигит-қизларга давлат ҳисобидан нуфузли хорижий ўқув юртларида таълим олиш учун йўлланма берилди.

Ҳозирги пайтда янги ташкил этилган «У с т о з» жамоатчилик жамғармасининг олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларини хорижда қайта тайёргарликдан ўтказишга юборишга бўйича дастури ишлаб чиқилмоқда.

Ўтган йили инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ҳуқуқий тарбияни такомиллаштириш, инсоннинг маданий, маънавий ва интеллектуал манфаатларини юзага чиқариш борасида қўплаб чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилди.

Бир сўз билан айтганда, 1997 йилга мўлжалланган инсон манфаатларини юзага чиқариш бўйича тадбирлар Дастурининг асосий қоидалари ва талаблари бажарилди. Шу билан бирга, дастурнинг айрим бўлимлари бўйича қолоқликка йўл қўйилгани, айрим объектларни ишга тушириш муддатлари барбод бўлганини ҳам эътироф этиш лозим.

Энг катта оқсоқлигимиз сифатида инсон эҳтиёжларига юзаки, масъулиятсизларча муносабатда бўлиш ҳоллари ҳали кўп эканини очиқ тан олишимиз керак. Шу ўринда бир ҳақиқатни қайта ва қайта таъкидлашни истардим: барча ислоҳотларимиз, жамиятимизни янгилаш ва демократиялашнинг асосий мақсади, умуман, барча саъй-ҳаракатларимиз пировард мақсадининг ўзи - инсон манфаатларини қондиришни таъминлашдир.

1997 йилнинг устувор вазифаларидан бири - инвестицион фаолиятанини айтиб ўтиш керак. 1997 йилда 1,1 миллиард АҚШ доллари ҳажмида хорижий инвестиция ўзлаштирилиб, бу борада 1996 йилга нисбатан 1,3 баравар ўсишга эришдик. Капитал маблағлар умумий ҳажмининг бешдан бир қисми хорижий инвестиция ва кредитлар ҳиссасига тўғри келди.

Инвестиция ва тузилма сиёсатида асосий эътибор амалдаги ишлаб чиқариш тармоқларини жиҳозлаш ҳамда юксак қўшимча қиймат улушини таъминловчи янги, илғор технологияларга эга корхоналар қуришга қаратилди. Умумий сармоя миқдорининг 30 фоизи замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар харид қилишга сарфланди.

Мазкур тадбирлар натижаси ўлароқ, қисқа муддатларда иқтисодиётнинг мутлақо янги, самарали тизимларини шакллантиришга имкон берувчи йирик корхоналар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Йилига 2,5 миллиард куб газ ҳайдаш қувватига эга Кўқдумалоқ компрессор станцияси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, «Кўқон» спирт ишлаб чиқариш бирлашмаси, Янгийўл биокимё заводи, Тошлоқ ип йигирув фабрикаси шулар жумласидандир.

Фарғона кимёвий тола заводи таркибида полиамид ишлаб чиқаришга ихтисослашган цех қурилиши ниҳоясига етказилди. Қизилқум фосфорит комбинати, шунингдек, кимё, енгил саноат, озиқ-овқат ва бошқа соҳаларга дахлдор қурилишлар бўйича қатор чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилди. Таъмирлаш ва янги ишлаб чиқариш тармоқларини бунёд этиш эвазига маҳсулот турлари кўпайди. Ҳориждан келтириладиган маҳсулотлар ўрнини босувчи товар ишлаб чиқариш рағбатлантирилмоқда.

Ички бозорни рақобатга бардошли ўз маҳсулотларимиз билан тўлдиришга қаратилган изчил сиёсат олиб борилянти. Инвестицион сиёсатимиз жойларда татбиқ этилиши туфайли мамлакатимизнинг барча ҳудудлари ривожланишига, тараққиётига эътибор берилмоқда. Бу - ўта муҳим, диққатга сазовор ҳодиса.

Қувончли тарафи шундаки, ҳудудлар тизими ва қиёфасини тубдан ўзгартираётган янги корхоналар мамлакатимизнинг барча вилоятларида қурилмоқда. Номлари зикр этилган Андижон автомобил заводи, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Қўнғирот сода заводи, Қизилқум фосфорит комбинати, Тошлоқ ип йигирув фабрикаси, Самарқанд тамаки фабрикаси, Хоразм чанковбосди ичимликлар заводи каби ижобий мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Транспорт ва алоқага ажратиладиган капитал маблағлар ҳажми кескин кўпайди. Мазкур соҳаларга 54 миллиард сўм сарфланиб, бу умумий сарф-харажатларимизнинг 20 фоизини ташкил этади. Навоий-Учқудуқ-Султониздоғ-Нукус темир йўлининг мавжуд тармоқларида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Йўлнинг Учқудуқ-Султониздоғ қисмида, янги Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли қурилишида катта ҳажмда тупроқ ишлари бажарилиб, рельс ётқизишга тайёрланди. Мавжуд темир йўл тармоқларини электрлаштириш, Тошкент-Андижон-Уш-Қашғар автомобил йўлининг Қамчик довони участкасини қуриш ва таъмирлаш давом этмоқда.

Республикамизнинг экспорт қувватини ошириш ҳамда изчил ташқи иқтисодий фаолият юритиш 1997 йилнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган эди.

Ўтган йил етакчи халқаро ташкилотлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЭСКАТО, ЮНКТАД комиссиялари, Европа Иттифоқи Комиссияси, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа Таъмирлаш ва Тараққиёт банки билан алоқаларимиз янада мустаҳкамланганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Қатор инвестицион лойиҳалар, жумладан, япон ва немис кредитлар тармоғи, АҚШнинг Экспорт-импорт банки билан ҳамкорликдаги ҳамда Ўзбекистон-Америка қўшма дастури доирасидаги «Конверсия» лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

1995-1996 йилларда 57 лойиҳа бўйича иш бошлаган бўлсак, шунинг 23 таси 1997 йилда хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан амалга оширилди. Жорий йилда эса 25 та лойиҳа бўйича ишни ниҳоясига етказиш мўлжалланмоқда.

Қўшма корхоналар тузиш йўли билан иқтисодиётга хорижий инвестицияни бевосита жалб этиш ривожланмоқда. Ҳозирги кунга келиб дунёнинг 80 мамлакати сармоядорлари иштирокида тузилган 3200 дан ортиқ қўшма корхона рўйхатга олинган.

1997 йилда ташқи савдо обороти қарийб 9 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Маҳсулотларимиз дунёнинг 78 мамлакатига экспорт қилинмоқда. Шу ўринда экспорт таркибида тўб ўзгаришлар рўй берганини айтиб ўтиш керак. Экспортнинг анъанавий турлари - пахта, рангли металл билан бир қаторда Ўзбекистон бугун четга тармоқ маҳсулотлари - калава, бензин, автомобил сотишни йўлга қўйиб, жаҳон бозоридан муносиб ўрин олмоқда.

Ҳомашё ресурслари экспорти улуши камайтирилиб, тайёр маҳсулотлар, жумладан, қайта ишланиш даражаси юксак бўлган маҳсулотлар экспорт қилиш ҳажми ошмоқда. Экспортнинг умумий ҳажми ўсиши нефть, нефть маҳсулотлари ҳамда табиий газ /4 марта/, автомобиллар /7,4 марта/, кимёвий штапель тола /6,8 марта/, кийим-кечаклар /64 фоиз/ ўсиши ҳисобидан эришилди.

Яна бир муҳим масалага алоҳида урғу бермоқчиман.

Товар ва маҳсулотларнинг талай турларини, мисол учун, алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар, пойабзал, ёқилғини ўзимиз ишлаб чиқара бошлаганимиз туфайли, уларни импорт қилиш, яъни четдан олиб келиш камайди.

Мисол учун: озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмол моллари импорти 2 баравар камайди. 1996 йил билан таққослаганда, дон маҳсулотлари, шакар ва қандолат маҳсулотлари импорти 2 марта, ун ва ун маҳсулотлари импорти 5 марта, алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар импорти 17 марта, минерал ёқилғи, нефть импорти 2,5 марта, кийим-кечак импорти 7 марта, пойабзал ва шу турдаги маҳсулотлар импорти 4 марта қисқарди.

Импорт умумий ҳажмининг 74 фоизи ишлаб чиқариш техник мақсадларга мўлжалланган товар ва асбоб-ускуналар импортига тўғри келмоқдаки, бу бизнинг стратегик йўлларимизга мос тушади.

Шу билан бирга, қулай иқтисодий шарт-шароит яратилишига қарамасдан, кўпгина корхоналар 1997 йил режаларини бажара олмадилар.

Бу нуқсонларнинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

б и р и н ч и д а н, серхаражат, сифати паст, рақобатга чидамсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи эски технологиялар мавжудлиги;

и к к и н ч и д а н, бозорни яхши билмаслик, корхоналарнинг маркетинг хизмати суст ишлаётгани, экспортга доир шартномалар пухта ўйланмасдан, шошма-шошарлик билан тузилгани;

у ч и н ч и д а н, маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришда монополия ҳамон сақланиб қолаётгани. Бу номақбул ҳол корхоналарга ички бозорда ўз маҳсулотларини исталган нархда ва исталган ҳажмда сотиш имконини беради. Натижада экспорт ҳақида ҳеч ким бош қотирмайди;

т ў р т и н ч и д а н, экспорт қилинаётган маҳсулотларимизнинг халқаро миқёсда эътироф этилган сертификатлари йўқлиги ва шунинг оқибатида уларни жаҳон нархларида сотиш қийинлиги. Бу, энг аввало, рангли металлар, машиналар, механизмлар савдосига тегишлидир.

Бир сўз билан айтганда, экспорт имкониятларимизни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган талай ички сабаблар мавжуд. Бу ҳар бир корхона миқёсида ҳам, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, уюшмалар ва компаниялар даражасида ҳам экспорт имкониятларини ошириш устида жиддий бош қотиришни тақозо этади.

1997 йилда ички валюта бозорини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, уни конвертациялаш учун қулай шарт-шароитлар яратишга, давлат эҳтиёжларини қондирадиган ҳамда тендер асосида ички бозорни тўлдирадиган импорт маҳсулотлар харид қилишнинг замонавий шаклларини жорий этишга алоҳида эътибор берилди.

Республика валюта бозорида реализация қилинган хорижий валютанинг умумий ҳажми **3,5 миллиард АҚШ долларидан** ошиб кетди.

Бу 1996 йилдагидан анча кўпдир. Хозирги пайтда 27 та ваколатли банк биржа ва биржадан ташқари валюта бозорларида хорижий валюта сотиб олиш ва сотишни амалга оширмоқда.

1997 йилда экспортга мўлжалланган кенг истеъмол моллари ва маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, хорижий лойиҳаларни амалга ошириш ва ҳомашё, материаллар ҳамда бутловчи буюмлар сотиб олиш учун ички конвертация ҳисобидан 2,5 миллиард АҚШ доллари сарфланди.

Ҳурматли дўстлар! Узингиз кўраяпсизким, ўтган йил давомида Ўзбекистон тараққиёти йўлида анча буюк ишлар қилинган. Аммо, 1997 йил якунларини танқидий кўз билан баҳолаб, шуни тан олишимиз керакки, бир қатор устувор вазифалар ҳали маромига етказиб бажарилмади.

Б и р и н ч и. **Кўплаб корхоналарнинг молиявий аҳволи мураккаблигича қолмоқда.** Зарар кўриб ишлаётган корхоналардаги вазият амалда ўзгармаяпти. 302 та корхона 1997 молия йилини 3,8 миллиард сўм зарар кўриб якунлади. Корхоналарнинг қарзи уларнинг ўз жамғармаларидан деярли икки баравар ошиб кетди.

1997 йилда 3096 та корхонанинг молиявий аҳволи таҳлил этилди. Хўжалик судлари томонидан 145 та корхона банкрот деб эълон қилинди, уларнинг 200 миллион сўмликдан зиёд мулки «кимошди» савдосига қўйилиб сотилди.

Аввалги йилда банкрот деб эълон қилинганлари билан кўшиб ҳисоблаганда 136 та корхона тугатилди.

Шу билан бирга, **айни пайтда банкротлик механизми корхоналарни ўз хўжалик-молиявий фаолиятига бошқача муносабатда бўлишга ундовчи таъсирчан чорага айланмаяпти.**

Қишлоқ хўжалигида 662 та корхона йилни зарар билан якунлади. Улардан 104 та хўжаликда санация ўтказишга мажбур бўлдик. Ҳисоб-китобнинг кўрсатишича, зарар кўриб ишлаётган қолган хўжаликларнинг 300 таси кредиторлик қарзларини етиштирган ҳосили ва мол-мулки ҳисобига қоплаши мумкин.

Қолганлари эса инқирозга учраши муқаррар бўлиб турибди.

И к к и н ч и. Банк-молия органлари кўраётган чораларга қарамай, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари муаммосини тўла ҳал эта олмаяпмиз.

1998 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, муддати ўтказиб юборилган **дебиторлик қарзлари 50,2 миллиард сўмдан, кредиторлик қарзлари эса, 80,3 миллиард сўмдан** ошиб кетди. «Узбекнефтгаз» корпорацияси, «Ўзкимёсаноат» уюшмаси, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзсувқурилиш» давлат концерни, «Ўзенгилсаноат» уюшмаси ва бошқа тизимлардаги корхоналарнинг қарздорлик даражаси энг баланд бўлиб қолмоқда.

Корхоналарнинг оғир молиявий аҳволи сабабларидан бири - аксарият жойларда корхоналар ҳануз бозор шароитларига мослаша олмаяпти, уларнинг раҳбарлари эса бошқармандалик кайфиятидан халос бўлолмасдан, ҳали-ҳануз давлат ёрдамига кўз тикиб, қўл қовуштириб ўтирибди. Кўпгина амалдорлар онгида туб ўзгариш бўлмаяпти, улар эски замондаги режали, фонд-тақсимот тизими қолипларидан чиқолмаяпти.

У ч и н ч и. Шартнома интизоми ва томонларнинг ўзи имзолаган шартномалар бўйича масъулияти масаласи ҳам ҳамон ўзгармаяпти.

Иқтисодиётда, биринчи навбатда агросаноат мажмуида шартнома тизими ишламаётгани, субъектларнинг шартнома мажбуриятларини бажармагани учун етарли масъулият сезмаётганини гапиравериб чарчадик.

Сотиш ҳақида аввал ўйламасдан маҳсулот етиштириш, уни харидорга етказиш ҳақида шартномани шунчаки номига, хўжакўрсинга тўлдириш, кўпинча маҳсулот баҳосини ва томонларнинг аниқ масъулиятини кўрсатмаслик ҳоллари қўплаб учрайди. Оқибатда корхоналарнинг омборларида на ички бозор, на ташқи бозор кўтарадиган тайёр маҳсулотлар қолиб кетишига олиб келяпти.

1998 йил 1 январь ҳолатига кўра 21,3 миллиард сўмлик маҳсулот сотилмай қолган, шундан 5,4 миллиард сўмлиги шартномада кўзда тутилмаган маҳсулотдир. Айниқса, «Ўзмашсаноат», «Ўзавтотранс», «Ўзэлтехсаноат» уюшмаларига қарашли корхоналарда сотилмай ётган маҳсулот жуда кўп.

Бунинг учун ким жавоб беради?

Қонун посбони бўлган ва бу масалалар юзасидан қабул қилинган директив ва меъёрий ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилувчи Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди ва республика Прокуратураси қаёққа қараяпти?

Бу идораларнинг ишини кўриб чиқиб, мана шу масалаларга, яъни шартномаларни сўзсиз бажаришни таъминлашга алоҳида эътибор беришларини талаб қиламиз.

Вазирликлар, идоралар, Вазирлар Маҳкамаси ходимларининг корхоналарни ислоҳ қилиш масаласида чалакам-чатти, ноизчил фаолияти, сусткашлиги ва бўкиманда кайфиятда юриши танқидий ва қатъий баҳоланиши лозим.

Энг аввало, истиқболсиз корхона ва ташкилотларни ҳар қандай йўл билан бўлса-да қўллаб-қувватлашдек хато йўлга барҳам бериш зарур. Зеро, бу йўл бозор талабига мутлақо ёт ва зиддир.

Шуни назардан чиқармаслик керакки, самарасиз ишлайдиган корхоналар қарздорлик гирдобига фақат ўзлари ғарқ бўлибгина қолмай, бошқа корхоналарни ҳам ортидан тортиб кетади.

Етарли даражада қонунчилик ва меъёрий асослар, бозор инфратузилмаси яратилган, банк ва молия, биржа ва улгуржи савдо тизимлари барқарор фаолият кўрсатаётган бугунги шароитда бундай аҳволга мутлақо чидаб бўлмайди.

Олти-етти йиллик ўтиш даврида ақли расо, масъулиятли, жавобгарликни сезадиган раҳбарларга бугунги замон талаб қиладиган услубда иш ташкил қилишга етарли имкон берилди. Энди бунақаларга тоқат қилиб бўлмайди.

Республикамизда Бош вазир Ўткир Султонов раҳбарлигида истиқболсиз корхоналарни инвентаризация қилиш ва саноатни қайта ихтисослаштириш бўйича ҳукумат комиссияси тузилган. Комиссия салкам 4 минг корхона фаолиятини ўрганиб чиқиб, шулардан 202 таси бўйича қайта ихтисослаштириш, тузилмаларини янгилаш ва санация қилиш ёки тугатиш чора-тадбирларини кўриш тўғрисида таклифлар берди.

Бироқ, ушбу комиссия ўз фаолиятида топширилган вазифани охиригача етказмаяпти. Қабул қилинган қарорларни ижро этишда қатъият ва собитқадамлик йўқ. Тугатиш учун тавсия қилинган 6 корхонадан фақат биттаси тугатилган, холос. Санация учун таклиф қилинган 91 корхонанинг атиги 17 тасига нисбатан ушбу тадбир қўлланилган.

Ҳукумат комиссияси бошлаган ишини охирига етказиши шарт. Йилнинг биринчи ярмидаёқ маҳсулотлари ўтмайдиган, бозор талабига жавоб бермайдиган корхоналарнинг ҳар бири билан орани очиқ қилиш керак.

Қачонгача омбор учун ишлаймиз!? Бозор кўтармайдиган маҳсулот учун вақт, маблағ ва меҳнат сарфлашга чек қўйиш зарур.

Зарар кўриб ишлаётган ва истиқболсиз корхоналарга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш пайти етди.

Банкротлик тушунчаси амалда бўлиши керак. Бу ҳақда кўп гапирилди, аммо, минг афсуски, иш жуда секин борянти. Ушбу соҳада ҳам хўжалик судлари ёмон ишлаётгани кўзга ташланадики, уларнинг фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур.

Фурсат ғанимат. Яқин орада ишлаб чиқариш корхоналарининг молиявий аҳволини ўнглаб олмасак, бу ҳол макроиқтисодий барқарорлик борасида қўлга киритган ютуқларимизга ўта салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Биз корхона банкротликка учрагандан кейин қимлардир ишсиз қолишидан чўчимаслигимиз керак. Республикада кадрларни қайта тайёрлаш механизми барпо этилган. Истиқболли бор ташкилотлар эҳтиёжлари малакали кадрлар ҳисобидан таъминланмоқда.

Кичик ва ўрта бизнес равнақи учун имкониятлар етарли. Кўпчилик, мамлакатимиз аҳолисининг аксарияти ўз турмуш фаровонлиги йўлида меҳнат қилишни истайдиган кишилар учун республикада барча шарт-шароит мавжуд эканига амин бўлмоқда.

Ечимини кутаётган навбатдаги муҳим масала. Биз ҳали ҳам корхоналарнинг ҳақиқий эгаларини етиштира олганимиз йўқ. Амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёни ҳозирча кутилган натижани бермаяпти.

Хўш, бугунги кунда аҳвол қандай? Собиқ давлат корхоналари раҳбарларининг айби билан бу корхоналар шунчаки расмият учун, номигагина хусусийлаштирилган. Яъни, давлат корхонаси жамоа корхонасига айланган, бироқ акция эгаси бўлган меҳнат жамоаси аъзолари ўзини ҳақиқий мулкдор деб ҳис этгани йўқ.

Бугунги кунда республика миқёсида 700 мингдан ортиқ ҳиссадор бор. Бу - кам, бу - мутлақо етарли эмас. Аммо, улар ҳам ўз ҳиссаларини кўшимча ўн учинчи маош манбаи деб биладилар. Ҳалигача эски андозалар таъсиридан чиқолганимиз йўқ.

Акциядор, ҳиссадор киши ўзини ҳиссадорлик корхонасининг эгаси деб ҳисобламайди. Уларнинг кўпчилиги корхона меҳнат жамоасининг аъзолари бўла туриб, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, қайта ихтисослаштириш, кўшимча инвестициялар киритиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш ва истеъмол бозорини кенгайтириш каби жараёнларга мутлақо жалб этилмаган.

Корхоналарни эркин бозорда ўз акцияларини тарқатиш, шу жумладан, хорижий сармоядорларни жалб этиш ҳисобига фойда кўришдан манфаатдор қиладиган механизм ишлаб чиқилмаган. 1998 йилнинг бошидаги маълумотга кўра, ҳиссадорлик жамиятлари эълон қилган қарийб **39 миллиард сўмлик акция сотилмаган ва тарқатилмаган.**

Буни қандай баҳолаш мумкин?

Шундай аҳвол вужудга келганки, у ё бу даражада **акциялаштириш ўтказилган, бироқ бу акциялаштириш корхоналар учун акцияларни сотиш ва уларнинг иккиламчи бозордаги қиммати ошиши эвазига кўшимча сармоялар келиб тушадиган манбага айланмаяпти.** Аниқ сўз билан айтганда, иккиламчи бозор мутлақо фаолият кўрсатмаяпти.

Биз ҳали халқаро молия бозорида ўзимизга муносиб, керакли даражадаги нуфузга эга бўлолмаяпмиз ва хорижий сармоядорларни жалб қилолмаяпмиз. Бирор-бир хорижий фонд биржасига ҳам чиқа олганимиз йўқ.

Акцияларни ташқи фонд бозорига тарқатиш вақти келди. Нима учун биз бу ишни мавжуд пахта заводларини акциялаштириш йўли билан амалга оширолмаймиз? Улардаги акцияларнинг бир қисмини халқаро қимматбаҳо қоғозлар бозорига чиқариш мумкин эмасми?

Минг афсуслар бўлсинки, Чжен жаноблари, Вазирлар Маҳкамаси хусусийлаштириш борасида Сиз раҳбарлик қилаётган Давлат Мулк қўмитасига ишониб, кўп масалаларни ўз назоратидан чиқариб юборган.

Давлат Мулк қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари эса бундан устомонлик билан фойдаланиб қолдилар. Уларнинг ягона ташвиши оқибатини ўйлаб ўтирмай, объектларни иложи борича кўпроқ сотишдан иборат бўлди.

Иш шу тахлитда кетаверса, ҳақиқий мулкдор пайдо бўладими? Ишлаб чиқаришни тубдан ўзгартириш учун унга маблағни ким беради?

Давлат Мулк қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларида ноқобил ходимлар ўтирибди, тўрачилик, сансалорлик, ишга юзаки муносабат, юлғичлик ва порахўрлик иллатлари авж олган. Бу ҳолга чек қўйиш учун Қўмитанинг барча даражадаги жавобгар шахсларини аттестациядан ўтказиш бўйича махсус ҳукумат комиссияси тузилди. Бу муҳим соҳа учун малакали, ҳалол ходимларни танлаш бўйича ҳали кўп иш қилиш керак.

Ҳурматли юртдошлар!

1998 йилда иқтисодий ислоҳотларни ривожлантиришнинг устувор жиҳатларига алоҳида тўхтаб ўтмоқчиман. Мамлакатимиз парламенти Олий Мажлисда 1998 йил давлат бюджетини тасдиқлаш жараёнида асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва иқтисодий тараққиёт миқёслари атрофлича муҳокама этилиб, қабул қилинди ва матбуотда эълон қилинди.

1998 йилдаги иқтисодий ривожланиш дастурини амалга оширишга киришар эканмиз, ўтган йил натижаларидан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда муҳим аҳамият касб этаётган устувор жиҳатларни аниқлаб олишимиз зарур.

Биз учун бу йилги биринчи ва бош масала барқарор иқтисодий тараққиёт тамойилларини мустаҳкамлаш, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни бундан буён ҳам мустаҳкамлаб бориш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, пулнинг қадрсизланиши даражасини кескин камайтиришдан иборат.

И к к и н ч и с и. **1998 йилни Оила йили деб эълон қилдик.** Бу борада 1998 йилда амалга оширилиши мўлжалланган махсус Давлат дастури ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Унда оила манфаатларини рўёбга чиқаришни таъминлаш кўзда тутилган.

Дастур оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила манфаатларини ҳимоя қилиш, оила аъзолари соғлигини сақлаш ва уларнинг билим даражасини кўтариш, оилани иш билан таъминлаш ва даромадини ошириш, оиланинг руҳий-маънавий асосларини ҳамда маданий эҳтиёжларини қондиришни такомиллаштириш учун шароит яратиш сингари кенг тадбирлар мажмуидан иборат.

Бугун барча масъул давлат ва жамоат тузилмалари, жойлардаги ҳокимият идоралари бу дастурий вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаши ўта муҳимдир. Вазирлар Маҳкамаси Оила манфаатлари дастурининг бажарилишини алоҳида назоратга олиши лозим.

У ч и н ч и с и. **Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш.** Менимча, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш муаммоларини ҳал этмай туриб, тўла маънодаги иқтисодий ислоҳотларимизни дадил давом эттириш мумкин эмаслиги барчага аён бўлиб қолди.

Энг муҳими, қишлоқни ислоҳ қилишни нимадан бошлаш кераклигини мен бир неча бор, қайта ва қайта айтганман - буни авваламбор, далада тер тўкаётган кишилар тафаккурини ўзгартиришдан бошлаш керак.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг ҳар бир аъзоси, ҳар бир фермер, деҳқон ўзини ўзи ишлаб турган заминнинг хўжайини деб ҳис қилиши лозим. Шундагина у ернинг ҳолати ва ҳосилдорлиги, ерга ишлов бериш ва ундаги экин сифати учун жавобгарликни ҳис қилади, ҳосилдорлик ва етиштирилган ҳосилни сақлаш учун жон куйдиради, хуллас, меҳнатининг пировард натижасидан манфаатдор бўлади.

Матбуотда янги меъёрий ҳужжатлар - Ер кодекси, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи /ширкат хўжалиги/ тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари эълон қилинди.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлари асосида янада такомиллашган, замонавий талабларга жавоб берадиган қонуний нормативлар таянчи ётиши керак. Қишлоқ хўжалиги кооперативида мулкчиликнинг янги шакли топилган. Бу мулкий пайдир. Айнан ана шу пай деҳқон онгини янгилаши, унда мулкдорлик ҳиссини шакллантириши, ўз меҳнати натижасидан ҳамда моҳият эътибори билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг янги қуйи тармоғи - ширкатлар самарадорлигидан манфаатдорлик уйғотиши керак.

Қишлоқда кенг татбиқ этилаётган о и л а п у д р а т и ишловчиларнинг ўз меҳнати, миқдор ва сифат кўрсаткичларига мувофиқ равишда ҳақ олишдан тўғридан-тўғри манфаатдорлигини таъминлаши керак.

Шу билан бирга, биз учун **фермер ва деҳқон хўжаликлари** орқали ўрта ва майда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти - товарлар ишлаб чиқаришни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳам устувор йўналиш ҳисобланади.

Шунга аминманки, фермер ва деҳқон хўжаликларига, энг аввало, чорвачилик, шунингдек, мева-сабзавотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга том маънода эркинлик берсак, улар мамлакатни ҳам тўйғизади, ўз маҳсулотини хорижга ҳам сотади.

Нега 1997 йили 1177 фермер хўжалиги ўз фаолиятини тўхтатиб қўйганини таҳлил қилиб кўрайлик.

Агар қаердадир қонун талаблари ва меъёрларига риоя қилинмаган ҳолда, нафсиёти бизга номақбул фермер хўжаликлари ташкил этилган бўлса, бунинг учун биринчи навбатда маҳаллий ҳокимият раҳбарлари жавоб бериши керак. Чунки улар ердан, хусусан, суғориладиган майдонлардан тўғри ва оқилона фойдаланишга жавобгар шахс ҳисобланади. Чунки - биз бу ҳақиқатни ҳам ҳазм этишга ўрганишимиз зарур, - ҳамма ҳам замонавий фермер бўлишга лойиқ эмас.

Энди ўзлари пиширган ошни ўзлари сузсин, ўзлари келтириб чиқарган муаммони ўзлари ечсин.

Орани очмоқчи бўлсак, масаланинг бошқа томонлари ҳам бор.

Нега кўпгина туманларда хусусийлаштирилган ферма ва фермер хўжаликлари ҳуқуқларини поймол қилиняпти?

Нега жамоа хўжаликлари, хусусан, қолоқ хўжаликлар раҳбарлари самарали ишлаётган фермер хўжаликларининг даромад ва фойдаларига кўз олайтиради?

Бу масала-саволларга холисона жавоб беришимиз керак.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича 1998-2000 йилларга мўлжалланган комплекс Дастур қабул қилиш керак. Унда бозор иқтисодиёти талабларига мос замонавий аграр ва иқтисодий муносабатларни жорий этишга қаратилган, шунингдек, тупроқ унумдорлигини ошириш ва ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уруғчилик ҳамда чорва наслчилигини такомиллаштириш бўйича муайян чора-тадбирлар белгиланиши лозим.

Гап фақат бундай дастурни қабул қилишдагина эмас. Унинг ижросини доимий назорат қилиб бориш ҳам керак.

Т ў р т и н ч и устивор йўналишимиз. **Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш.** Тажриба шуни кўрсатадики, жаҳонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантирмай туриб, иқтисодий ўсиш, ишсизлик даражасининг пасайиши ва аҳолининг даромадлари ошишига эришган бирор мамлакат йўқ. Биз ҳам бу ҳақда кўпдан бери гапирамиз.

Бир қанча қонуний ҳужжатлар қабул қилинди, кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган инфратузилма ташкил этилди. Бироқ бу масалаларда жиддий силжишлар юз бераётгани йўқ.

Бугун кичик корхоналар моддий-техникавий ва ҳомашёвий ресурсларнинг кўп турларини топишда қийналяпти. Тижорат банклари кичик бизнес учун узоқ муддатли қарз бериш билан амалда шуғулланмаяпти.

Ички кредит

Киши борки, узининг мулойимлиги, ёқимтойлиги, ширинсўзлиги билан доимо суҳбатдошига ёқади. Мулойимлик, яхши сўз билан бошқаларга яхши кайфият бағишлаши мумкин. Аммо сержаҳл, қизиққон кишилар нафақат ўзининг, бошқаларнинг ҳам дилини яралаб қўйиши мумкин.

Хўш, ғазаб ва ғазабланиш қандай оқибатларга олиб келади? Ғазаб қўзғалганда одам ўзини идора қила олмай қолади. Қилаётган ишлари яхшими, ёмонми ажрата олмайди. Сержаҳл ота ёки оналар туфайли оила бузилади, болалар тирик етим бўлиб қолади, дўстлар йироқлашади, уйдан барака, меҳр-оқибат, мурувват, меҳрибонлик, яхшилик, севги-муҳаббат қочади. Оқибати хунук ва зараб келса, ўзларини сўкиш билан овутадилар. Сўкиш билан ҳумордан чиқадилар. Қилаётган ишларини нотўғри эканлиги ҳақида айтсангиз, кулиб, ғазаб устида бўладида, деб ўйя қоладилар. Аммо ўзларининг энг севикли ота-оналарини сўкканларини билмайдилар. Билсалар ҳам эътибор бермайдилар.

Муҳаммад пайғамбаримиз сўкинадиганлар ҳақида шундай дейдилар.

- Кишининг ўз ота-онасини сўкиши катта гуноҳлардандир.

Сўрашдики, Ё, Расулоллоҳ - қандай қилиб одам ўз ота-онасини сўкади?

Жавоб қилдилар: - Бировнинг ота-онасини сўкса, узининг ота-онасини суккан бўлади.

Уни дунёга келтириб, ўстириб, вояга етказиб, одамнини кўрди. Ва хизматкоридан сўради:- Бу ишни ким қилди? Хизматкор: - Мен қилдим,-деди. «Нима учун шундай қилдинг», деб яна сўради.

- Бу билан сени ғамга солиб, ғазабингни қўзғатмоқчи эдим,-дея жавоб қайтарди хизматкор.

- Албатта бу яъни шайтоннинг иши, Сен озодсан, энди кетабер, от ҳам сенга, дебди.

Авф этишлик, ғазабни ичга ютишлик сифатини тўлдириб туради. Чунки ишни чиройли ҳал бўлиши учун ғазабни енгишни ўзи кифоя қилмайди. Олижаноблик кўрсатиб, ғазабни ютган одам, бу олижанобликни тугал қилайин деса айбдорни авф эта билиши, кечира билиши керак.

Пайғамбаримиз улимни

Исми жисмига монанд Гузал исмли қизалоқ ёш ота-онанинг ёлгиз фарзанди. Қўғирчоқдек кийинтириб кучага олиб чиқишса, ҳамма ҳавас билан қарайди. Ўзи ҳам жуда бийрон, овозлари қўнғироқдек жарангдор. У фақат оиланинг эмас, боқчанинг ҳам эркатойи. Боқчада бирорта байрам йўкки, у қатнашмаса. Шеърларнинг энг зўрини ҳам Гўзал айтади. Ҳатто комиссия ва делегациялар келганда гул кўтариб чиқадиган болаларнинг сардори ҳам у.

Уйга меҳмон келса ота-онаси албатта унга шеър айтиришар ёки боғчада ўрганган ашулаларидан айтиб бериб меҳмонларнинг таҳсинига сазовор бўларди.

Гўзал ўзининг бу ҳаётига шундай қуникиб кетган эдики, бошқача ҳаёт бўлишини унинг болалик тасаввури сиғдира олмас эди. Гўзал етти ёшга ўтгач катта қувонч билан мактабга тайёрлана бошлади. Ойиси олиб келган мактаб формасини қайта-қайта кийиб, папкасини кўтариб «мактабга кетяпман»,деб у хонадан бу хонага юриб чиқар эди. Орзиқиб кутилган кун ҳам етиб келди. Барча болалар каби гуллар кўтариб, катта қувонч билан мактабга борди. Лекин Гўзалнинг мактабдаги қувончли кунлари узоққа чўзилмади. Бир ҳафтадан кейин «мактабга бормайман», деб ҳарҳаша қила бошлади. Бормаслик сабаби сўралганда ҳеч нарса айтмас, ерга қараб «бормайман, мактабга бормайман, узимнинг боқчам яхши экан», дейишдан нарига ўтмасди. Ота-онаси аввал яхши гапириб, ялиниб-ёлвориб кўришди, кейин дўқ-пўписа қилиб ҳам кўришди. Лекин фойдаси бўлмас, Гўзал ҳар куни кўз ёши билан мактабга жўнарди. Ташвишга тушган ота-она синф ўқитувчиси билан гаплашишди. Ўқитувчининг гапига қараганда мактабда Гўзални ҳафа қиладиган, ўқишдан совутиб юборадиган ҳеч қандай тасодифлар бўлмаган. Болаларнинг бирортаси билан уришмаган. Ўқитувчининг ўзи ҳам ҳамма болаларга қандай муомала қилаётган бўлса, Гўзалга ҳам шундай муносабатда бўлаётганлигини айтди. Ундай бўлса, Гўзал мактабга боришга нега бу қадар саркашлик қиляпти. Сабаби... ўқитувчининг ҳамма болалар қатори унга ҳам бир хил муомала қилаётганидадир. Ахир, Гўзал оилада ҳам, боғчада ҳам ҳамманинг диққат-марказида бўлишга, мақтовлар эшитишга урганиб қолган эди-да! Мактабда эса аввалги мавқе йўқ. Ўқитувчи уни мактаб, бошқаларга намуна қилиб кўрсатмаяпти. Бу эса мақтовларга, тенгдошларига етакчилик қилишга урганган Гузал учун ўта ноҳақлик, ҳатто ҳақорат бўлиб кўринди. Мана, Гузални мактабдан совутган нарса нима эди!

Ота-она ва боғча тарбиячисининг (Гузалнинг ойисини мактабдош дугонаси эди) айби билан болани ортиқча мақташ, меҳр-муҳаббат кўрсатиш, уни тенгдошларидан устун қўйиш орқали норасида Гузалнинг беғубор қалбида худбинлик ва шуҳратпарастлик иллатлари илдиз ота бошлади. Бу иллатлардан туғиладиган кўнгилсизликлар ўзини узоқ кутириб қўймади. Катта қувончлар билан мактабга келган Гузалнинг нурли онларига соя сола бошлади. Қизгина бунда сенинг заррача айбинг йўқ. Чунки сен фаришта мисол беғубор ва пок эдинг. Бунга мақтанчоқлик ва худбинлик балосига мубтало бўлган катталар айбдор. Ота-онанг сен орқали ўзларининг шуҳратпарастлик ва худбинликларини қондирмоқчи бўлишди. Ойингни синфдош дугонаси бўлган боғча опанг эса дугонасига яхши кўриниш учун, сени беғубор болалик заминидан юлқиб олиб, сен учун бегона ва зарарли заминга - манманлик ва кибру-ҳаволик илдиз отадиган ерга утказиб қўйди. Афсуски, сенинг беташвиш, қувноқ ва беғубор болалик оламинга тез қуланка соя солди. Бу қуланканинг тарқаб кетиши яна меҳри қўйш одамларга боғлиқ. Уларнинг самимий ва оқиллик билан қиладиган муносабатларига боғлиқ.

Мўминхон МАМАТОВ.

Ота-оналар бурчаги

ЭРКАЛАСА ОНАСИ...

Одамийлик сабоқлари

ЎЗИНГИЗНИ ТИЯ БИЛИНГ

ёмон ишлар қилиб қўйишга ғазаб ва ғазабланиш сабаб бўлади. Ана шу ҳақда Расули Акрам Муҳаммад САВ шундай деганлар: Одамлар тўрт тоифага бўлинадилар: ғазаби тез келиб, тез кетадиган, ғазаби секин келиб, секин кетадиган, ғазаби секин келиб, тез кетадиган, огоҳ бўлинглар-ки яна шундай ёмон инсонлар тоифаси борки ғазаби тез келиб, секин кетадиган,- деб марҳамат қилган эканлар. Ғазабланиш ёмон иллатлардан бўлиб, одамлар орасида пайдо бўлса, жамиятга катта зарар келтиради. Алоқаларнинг узилишига олиб келади, мувозанатни йўқотиб қўяди, нима қилаётганини сезмаган ҳолда бир вахшийга айланади. Чунки ғазаб-тажавузкорликнинг бошланишидир.

Аксинча, ҳалимлик, мулойимлик кучли ақл ва юқори дид аломатидир. Шунингдек, ғазабланиш вақтида инсон танасидаги ўзгаришлар унинг саломатлиги учун зарарли эканлигини ҳозирги замон табобатчилиги тасдиқлаган. Аллоҳ Таоло қаттиқ ғазабни ичга ютувчиларни, яхшилик қилувчиларни, яхши кўради. Қуръон мусулмонларни ғазабни ичга ютиш билан кифояланиб қолмай балки ғазабни чақирган кишининг айбини кечишга ҳам чақиради. Одатда, бир одам ўзига душманлик қилганда ёки обрўсини тўкканда ғазабланади. Лекин ғазаб уни тўғри йўлдан чиқаради, адолатли фикр юрита олмайди. Шунинг учун ҳам Ислом мусулмонларининг сифатларидан бири ғазаб вақтида кечирувчиликда деган ёки ҳар бир одам ўз иродасини ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилмоғи зарурдир. Баъзилар ғазаб орасига қўшган, шу даврда минг-минг қийинчиликни бошдан кечирган ота-она ўз фарзандидан шу мукофотни олса, минг афсус, шуниси ачинарлики кўп кишилар бефарқ бўлишиб, сўкинишни одатий ҳолга айлантиришган.

Бир киши Абу Бакр Сиддиқни сўкаётган пайтида ёнларида Расули Акрам ҳам ўлтирган эканлар. У одам Абу Бакрни сўкишдан тўхтагандан кейин жим ўтирган Абу Бакр унга жавобан гапира бошлади. Шу пайт Пайғамбаримиз ўринларидан туриб кетдилар.

Абу Бакр пайғамбарга қараб «Эй Аллоҳнинг элчиси нима учун мен гапираётган пайтимда туриб кетдингиз»,- деб сўради. Пайғамбаримиз шундай жавоб қилдилар: У киши сизни сўкаётган вақтида сиз жим ўтирган эдингиз фаришталар унга жавоб беришаётган эди. Лекин сиз унга гапира бошлаганингизда фаришталар кетиб қолишди. Уларни ўрнини шайтон эгаллаб олган эди. Шайтон билан бирга ўлтиришни ўзимга эп кўрмай туриб кетган эдим,-дедилар. Ғазаб инсонда турли муносабатлар туфайли қўзғалиб туради. Уни жиловлаб олиш ҳар бир инсоннинг қўлидан келавермайди.

Бир одам Пайғамбаримизга - Эй Аллоҳнинг Расули менга яхши бир насиҳат қилинг, - деб сўради. Ўл зоти баракот, - «Ғазаб қилмагин»,- дедилар. Сўраган киши кейин эътироф этиб, шундай деган: «Ўйлаб кўрсам, ғазаб ҳамма ёмонликни ўзига жамлар экан».

Ривоят қилишларича, бир кишининг оти бор экан. Ў отини кўп яхши кўрарди. Бир куни отининг бир оёғи синиб уч оёқли бўлиб қолганини кўрган одамлар шундай тасаввур қилар эканлар: намозни ўқиб бўлиб, Ассалому алайкум раҳматуллоҳ деб ўнг ёққа қараганидан сўнг, Ассалому алайкум раҳматуллоҳ деб чап томонимга ўгирилишга улгураманми,йўқми, деб ўйлайман,-деган эканлар.

Қиссадан ҳисса шуки, Аллоҳ берган умр қисқа бўлган пайтда, ғанимат билиб ҳаётимизда бир-биримизга ғазаб қилиб, тилимиз билан, қўлимиз билан азият бериб, шу ғазаб туфайли тинч-тотув оилаларимиз бузилиб, бир ота-онадан туғилган ака-укалар, опа-сингиллар, ёру-биродарлар қиёматда дийдор бўлиб, шу ғазаб туфайли мусулмонман деб, мусулмончиликни даъво қилиб турган биродарлар бир-бирини хафа этиб турганлиги аччиқ бўлса ҳам ҳақиқат. Шунинг учун бир-биримизга яхши муносабатда бўладиган ғазаб келганда ҳам, жаҳолат келганда ҳам ичга ютадиган мўминлар бўлишликка Аллоҳнинг ўзи ҳидоят этсин.

Пайғамбаримиз марҳамат қилиб шундай деганлар:

- Кураш тушиб ғолиб бўлган одам полвон эмас, ғазаб келганда уни ичга ютган одамгина полвон, мард бўлади.

Қобилжон қори маърузаси асосида

ШОМАҲМУД тайёрлади.

ОИЛА даврасида

БУЮКЛАР — ОИЛА ҲАҚИДА

Азизлар, қуйидаги ҳикмату ибратлардан қандай хулоса чиқарасиз. Ўз фикрингизни билдиринг.

«Уйлаб-нетиб утирмай шартта уйлан. Хотининг яхши чиқса-ку - хўп-хўп, ёмон чиқса - файласуф бўласан».

Суқрот

«Аёл — эркак зотининг буюк мураббийсидир».

А.Франс

«Ёшинг қайтганда севма».

Қобус.

«Бизга яхши оналарни беринглар, биз яхши одамлар бўлиб етишамиз».

Жан Поль.

«Ёмон болалар учун ота-онани жазоламоқ керак».

М.Горький.



Муносабат, таклиф

ҚАЙНОНА — ИККИНЧИ ОНА

«Қайнонали келин - қарқара келин, қайнонасиз келин масхара келин», - деган гап бор. Ҳа, ҳақиқатан ҳам Қайнона - сенга ўз жигарбандини жуфти ҳалоллиққа бағишлаган, бошланган ишбу саодатли кунларингнинг бошида турib, не-не машаққатларни бошидан кечирган муътабар аёл. Ўғлимнинг ёки қизимнинг бошини икки қилсам, бир фарзандим иккита бўлади, дея ният қилиб, кунни тунга улаб, сеп йиққан, тунни эса тонгга улаб кўрпа-ёстиқ қавиган онаизор.

Дарҳақиқат, қайнона ҳам аввало она. У ҳеч қачон фарзандларига ёмонликни раво кўрмайди. Шундай экан, нега кўпгина оилаларда қайнона-келинлар ўртасида ҳар хил келишмовчиликлар вужудга келиб, бир қанча ноҳушликлар келиб чиқмоқда? - деган савол туғилади. Бунда фақатгина қайноналарни ёки келинларни айблаб бўлмайди. Баъзан жаннати қайнонага унинг дидига мос бўлмаган ўқувсиз ёки бадхулқ келин, баъзан эса фаросатли хушхулқ келин жоҳил қайнонага тушиб қолиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам иккала томонни муросага келтириб, мувозанатни сақлаб туриш ўғилнинг зиммасида деб биламан. Чунки, ўғилга онасининг фезл-атвори ҳам, рафиқасининг руҳияти ва дунёқараши ҳам яқиндан таниш бўлади. Шу боис ўғил қайнона-келин ўртасида юзага келган тушунмовчиликни бемалол бартараф эта олади. Бунинг учун аввало ҳар бир йигит ўзи мустақил фикр юрита олиши, фақат онасининг ёки яккаш рафиқасининг фикрий доирасига тушиб қолмаслиги лозим. Акс ҳолда хонадонда тинч-тотувлик ҳукм сурмайди.

Муҳити бир-бирига тескари бўлган иккита оилани жуда яхши биламан. Биринчи оилада қайнона меҳнаткаш, оқила аёл. Рузғор юмушларини келинларга ташлаб қўймайди, келинлардан кўпроқ югуриб-елади, келинлар хоҳласа бир иш қилади, хоҳламаса йўқ. Хонадон анча тўкин-сочин: еганлари олдларида, емаганлари... Афсуски бу ерда тез-тез жанжал чиқиб туради, сабаби қайнона-келинлардан ҳар бир ишни пишиқ-пухта, тоза-озода бажаришни талаб қилиб, камчилигини юзига айтади, холос. Шунинг учунгина келинлар қайнонани гўё ўзларига душман деб билишади. Ўғиллар ҳам хотинларининг таъсирига тушиб қолишган. Шундай бўлса-да, қайнона бировга келинлари тўғрисида лом-лим демайди, ўрни келса, мақтаб қўяди. Аммо келинлар уни дуч келган одамга ёмонлашдан тойишмайди. Шу боис онахон ҳамиша руҳий изтиробда, узига «қон босими» касаллигини орттириб олган.

Иккинчи оилада эса аксинча, қайнона келинларига хизматкорлар бўлгандек муносабатда бўлади, фақат буйруқ беришдан нарига ўтмайди, бунинг устига уларнинг эмизикли болаларига қараб туришни ҳам узига эп кўрмайди. Келинлари босиқ, фаросатли, меҳнаткаш бўлсалар-да, баъзан эрларига қайнонадан шикоят қилишга мажбур бўлишади. Аммо ўғил: «Нима бўлганда ҳам қайнонанг менинг онам-сен у билан эмас, мен билан яшайсан, мени ҳурмат қилсанг, то алоҳида рўзғор бўлгунимизча чидаб турасан»,- мазмунида гапиради, олам гулистон. Бу хонадонда ортиқча гап сўз, тортишувлар бўлганини биров билмайди. Дарҳақиқат, мана, ҳозир 4 ўғилдан учтаси алоҳида уй-жой қилишиб, жуда бахтли ҳаёт кечиришяпти. Агар ушбу хонадонда ҳам ўғиллар хотинларининг арзу додига берилиб, ҳар хил ноўрин чора-тадбирлар кўрганларида бу ерда ҳам бир қанча «портлаш»лар юз берган бўлар, оқибатда ўртада анча совуқчиликлар тушган бўларди. Хуллас, ҳар бир йигит на онасига ва на умр йўлдошига жабр қилиб қўймаса иккала томонни ҳам бирдек тинглаб туриб, ўз ақлига таянган ҳолда иш кўрса, оила мустаҳкамлигини таъминлаган бўлади.

Қайнона - нима бўлганда ҳам иккинчи она, уша сизнинг севимли умр йўлдошингизни вояга етказган она. Келинлар қайнонага нисбатан кичиримли бўлсалар, вақти келиб ўзларига ҳам қайнона бўлганларида, уларнингда келинлари кечиримли бўлгай. «Қайнонага тош отсанг, тош оласан, ош берсанг, ош оласан»,-дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат шундай.

Шаҳзода ҲАКИМОВА.

Йигитларга

МАРДЛИК ФАЗИЛАТДИР

Йигит киши нима мақсадда спорт билан шуғулланади? Табиийки кўпчилик бу саволга соғлом бўлиши учун дея жавоб беради. Бу фикр ҳам тўғри, лекин...

- Йигит киши спорт билан аввало соғлом бўлиш учун шуғулланади. Қоматли, келишган бўлиш ҳар бир йигитнинг орзуси. Куч ақлда деймиз. Бу ҳам тўғри. Аммо ҳақиқий кучли бўлиш учун ҳам жисмоний, шунингдек маънавий тарбияланиш лозим. Бу баркамолликнинг белгиси, дейди Узбекистон дзюдо терма жамоаси бош мураббийси Нусрат Валиев.

- Хўш, маънавий куч инсонни ойдинлик сари йўналтиради. Жисмоний куч кўрк, қувват намойиши. Азалдан йигит кишини мардлиги туфайли ҳурмат қилишган, эъзозлашган. Мардлик фазилатми, кўркми? Мардлик фазилатдир, қолаверса кўрк десак ҳам бўлади. Лекин унчалик тўғри келмайди. Мардлик ўз-ўзини тарбиялашдан келиб чиқади. Ўз-ўзини тарбиялаш эса катта фазилат. Фазилатнинг поклиги кўрк намойиши эмасми.

Бу борада кўп баҳслашиш мумкин. Аммо яна шу бор-ки ҳар бир спорт билан шуғулланувчи йигит м[illegible] бўлавермайди.

Спортда ҳам ўз-ўзини англай олиш хусусияти бўлиши даркор. Йигит ўзини англадими унда мардлик куртак очади. Спорт турларига назар ташлайдиган бўлсак, кўп нарсаларни билиш мумкин. Масалан, бурни синган бўлса боксчи, қўлоғидан жароҳат олган бўлса курашчи ва хоказо. Хуллас тан жароҳати олиш ҳолатлари ҳам бўлади. Буни эса саломатликка анчагина таъсири бор. Ота-оналар худди ана шу холатларни назарда тутиб ҳам, болаларини спорт билан шуғулланишларига рухсат бермайдилар.

Жисмоний машқлар саломатлик учун керак. Катта спортга кириш эҳтиёжи эса кейинчалик қизиқишларидан пайдо бўлади. Ҳақиқий спорт билан шуғулланиш, маъсулиятли иш. Бу йўлни танлагач, мунтазам равишда шуғулланиб туриш керак. Жароҳат олишга келса бунинг сабаби ўзгача. Шуғулланиб юрган спортчи каттароқ ғалабани қўлга киритди дейлик. Бу менинг мураббийлик фаолияти кузатишларимдан. Албатта уша спортчида ўзгариш пайдо бўлади. Яъни машғулотларга келмаслик, назоратни сусайиши. Хуллас, ғалабадан ҳаволаниш касалига дучор бўлади. Бу ҳолат жуда кўп спортчиларда учрайди ва учраб турибди. Машғулотларга бефарқлик натижада мусобақаларда жароҳат олишга йўл беради. Спорт шундай нарса-ки, ҳаракат билан боғлиқ. Спортда тўхтаб қолиш мумкин эмас. Фарзандларини спорт билан шуғуллантириш мақсадида юрган ота-оналар шу томонларга эътибор берсалар фойдадан ҳоли эмас.

* Ҳаракат - ҳаёт демакдир. Спорт билан муғулланган йигитлар нафақат кучли, балки келишган, қоматли мард ҳам бўладилар. Сиз фарзандларингизни соғлом ўсишларини истасангиз, албатта спорт билан шуғуллантириш мақсадида тўгаракларга олиб боринг. Йиллар ўтиб, улғайгач, унинг кучига, салоҳиятига ўзингиз тан берасиз. Жароҳат олса-чи?... деб ҳавотирлансангиз Нусрат аканинг гапларига эътибор беринг. Чунки бекор ўтган вақт нафақат тан жароҳати, балки қалб жароҳатига ҳам олиб келади. Спорт оламининг бу борада ўз сирлари бор. Буни спорт билан шуғулланган йигитларгина теранроқ англайдилар.

Наргиза КАМОЛОВА

Шифокор маслаҳати

УЙҚУ ВА БЕДОРЛИК

Уйқу инсонларга Аллоҳ томонидан ином этилган бебаҳо неъматдир. Инсоннинг уйқу жараёнидаги ҳолатида тана янги куч - қувват йиғилади. Кишининг аъзоларида қон айланиши яхшиланади, нафас олиши осойишталаниб, танага ғалаба ҳароратларнинг кириш йўллари тўсилганлиги учун мия дам олади, юрак уришига асорат етмайди. Ухлаш учун ётадиган киши ҳаяжонланмаслиги, ғам- андуҳларга берилмаслиги, таомни меъёридан ортиқ истеъмол қилмаслиги керак. Ухлаш учун тўшакда етишнинг тўрт хил сифати бўлиб, у доноларимиз томонидан шундай таҳлил этилган.

Чалқанча ётиб ухлаётган кишилар ташвишлардан, ғам-аламлардан йироқ хаётлари тўкис одамларга хос, ёки анбиёлар уйқуси деб таърифланган.

Иккинчиси, ўнг ёнбошда ётганлар уламмолар ва авлиё сифатлар уйқуси тарзида номланган.

Учинчиси: чап ёнбошда ётиш султонлар уйқусига қиёсланган.

Тўртинчиси: юз тубан ётиб ухлаш, турли изтироб, ўй-хаёлларга ғарқ бўлган кишиларга хослиги учун унга салбий нисбат берилиб шайтонлар уйқуси деб аталган. Кишида баъзан шундай ҳолатлар ҳам бўладики, у узоқ вақт ухлай олмай етади. Бу миянинг ишлаш фаолиятини издан чиқариб, баданнинг қуруқшаб қолишига сабаб бўлади.

Меъёридаги уйқунинг ўзига хос ажойиб хусусияти бўлганидек, уйқусизликнинг ҳам салбий томонлари мавжуд.

Машҳур ҳаким ал - Мариди-нийнинг таъкидлашича, бедорлик хасталигига мубтало бўлган шахс оёқларини иссиқ сувга солиб 15-20 дақиқа ўтирса фойда топади, дуккакли ўсимликлардан тайёрланган таомлар, шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дамламалар ҳам уйқусизликнинг олдини олади.

Уйқуга ётишдан олдин поклиниш, тоза ҳавода бироз сайр қилиш, ҳузурбахш китоблар мутоаласи билан шуғулланиш, умидбахш нарсаларни ўйлаш, эртанги кунга юксак ишонч билан эзгу режалар тузиш, асабни яхшилаш кабилар бедорликдан қутулишга имкон яратади. Лекин кўп ухлаган кишиларнинг таналарида оғирлик, ланжлик, баъзан эса оғриқ пайдо бўлади. Шунинг учун соғлом одамлар 7-8 соат, беморлар 8-9 ва болалар 10 соат ухлашлари кифоя.

Абдуҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ, олий тоифали шифокор.

Ulug'bek va la'l yo'qotgan odam

Kunlardan bir kuni notanish bir odam mirzo Ulug'bekning huzuriga kelib arz qildi:

- Shohim ! Shu kunlarda boshimizga og'ir savdo tushdi. Uni hal qilishga aqlim u yoqda tursin, balki dunyodagi barcha donolarning ham aqli etmasa kerak. Shu sababdan sening oldingga najot istab keldim.

Mirzo Ulug'bek uning boshiga qanday savdo tushganini surishtirdi. Notanish odam bunday dedi:

- Iroqdan kelayotgan edim. Xurosondan Samarqandga borayotgan karvonga qo'shildim. Jayxun bo'yiga kelib tushdik. Hamyonimda bir bo'lak la'l bor edi, suvga tushishdan oldin karvon ahlidan hadiksirab chetroqqa chiqdim, butazor ichiga kirib yechindim. La'lni xaltaga solib mahkam qilib yaktagimni peshiga chiqib oldim. Suvdan mesh minib o'tdik. Yana karvon ahlidan chetroqqa chiqib kiyinmoqchi bo'lib kiyimlarimni tugib olgan belbog'ni yechdim. Avval yaktagimni oldim, lekin baxtga qarshi tugun yechilib ketibdi, la'l solingan xalta bo'lsa gum bo'libdi. Yechinganimni ham, kiyinganimni ham sheriklarimdan pinhon tutganim sababli buni biron kimsadan ko'rmadim. Boshimga tushgan savdo mana shu, shohim.

- Biron yil sabr qilib tur. Shu vaqt ichida o'sha la'l topilsa, nur ustiga a'lo nur, topilmasa qiymatini mendan olarsan, - dedi Ulug'bek bir oz sukutdan so'ng.

Arz-dod bilan kelgan odam Ulug'bekka ikki bukilib ta'zim qildi va uning huzuridan chiqdi. Ulug'bek shu paytning o'zidayoq devonbegini chaqirtirib o'sha yili mamlakat bo'yicha xiroj to'lashi lozim bo'lgan odamlarning ro'yxatini olib kelishni buyurdi.

Daftar olib kelingach, podsho uni diqqat bilan qarab chiqdi, so'ng bir chetga olib qo'ydi. Yangi yil kirishi bilan devonbegidan o'tgan yili soliq to'laganlarning ro'yxatini talab qilib oldi.

So'ng har ikkala daftarni sinchiklab solishtirib ko'rib, qiziq bir ahvolni aniqladi - o'tgan yili qorako'lik bir kishi xiroj uchun ellik tanga o'rniga besh yuz tanga to'labdi.

Mirzo Ulug'bek o'sha xirojni o'n marta ko'p to'lab yuborgan odamni tezlik bilan Samarqandga oldirtirib keldi, xilvat bir xonaga olib kirib ne sababdan ellik orniga besh yuz tanga xiroj to'laganini xo'b taftish qilib dedi:

- Sen mo'may boylik topib oldingmi yo bo'lmasa biron kimsaning uyini urdingmi ? Otangdan ulgurji meros qolibdimi yoki sen biron badavlat odam orqasidan boy bo'lib oldingmi ?

- Shohim ! - dedi qorakoklik ikki qo'lini ko'ksiga qo'yib, - aslida bir oddiy to'quvchiman. Bir kuni bo'z to'qib turgan edim do'konim oldidagi daraxtga hakka kelib qo'ndi. Tumshug'ida bir bo'lak go'shtga o'xshash narsa bor edi. Hakka tasodifan tumshug'idagi narsani tushirib yubordi va uni olmoqchi bo'lib o'zini erga otdi. Lekin men epchillik qildim. " Kish - kishlab " hakkani quvib yubordim va chopib borib u tushirib yuborgan narsani oldim. Qarasam qandaydir loyga belangan bir xaltacha ekan. Ochsam ichidan ko'zni qamashtiradigan, hattoki oftob yuzini ham, xiralashtiradigan bir durafshon tosh chiqdi. Uni tang'ri taoloning men kambag'alga ko'rsatgan shafqat va marhamati deb bilib, hamyoning urdim va ertasi kuni tong bilan Buxoro tomon yo'l oldim. Shaharga kelgandan keyin " zar qadrini - zargar, javohir qadrini javohirshunos biladi " deganlariday so'rab - surishtirib bir javohirshunoshning oldiga bordim. U toshni qo'liga olgan zamon juda bezovtalandi. Shundan bildimki, men olib kelgan narsa oddiy bir tosh emas ekan. Balki qimmati ulug' tosh ekan. Javohirshunos dedi :

- Bu toshning bahosi ming tanga. Ko'nmadim. Ko'p savdolashib oxiri toshni bir yarim ming tangaga sotdim. So'ng bozorga kirib o'zim uchun ot, bola - chaqaga kiyim - kechak, uy - ro'zg'orga kerak bo'lgan narsalar, xotinimga sir'g'a, gilam va shunga o'xshash narsalar sotib oldim va yurtimga qaytdim. Bizning tasodifan boyib ketganimizdan taajjublanganlar ham bo'ldi. Ularga aytadigan gapim bitta bo'ldi : - Samarqandda bir badavlat qarindoshim bor edi. U birdan o'lib qoldi. Merosxo'ri yo'q edi, boyligi menga qoldi.

Mirzo Ulug'bek la'lni sotib olgan javohirshunosni toptirib, taftish qildi. U avval tondi, lekin oxiri la'lni to'quvchini aldab arzimas pulga sotib olganligini bo'yniga oldi...

Sadoqat Fayziyeva tayyorladi.

«Ишонч» устахонаси

БУРЧАКЛИК



Бу қўлбола асбоб Сизга турли қияликдаги бурчакларни аниқлашда ва белгилаб олишда яқиндан ёрдам беради. Уни иккита бир хил улчамдаги ёғоч таёқчадан ясаш мумкин. Ёғочнинг бир томонини юмалоқ кўринишга келтиринг ва ўртасидан тешикча очинг. Ҳар иккала ёғоч бўлагини бир-бирига винт ва қулоқчали гайка билан бириктиринг. Сунг, транспортир ёрдамида 90°, 60°,45°, 30° ва шу кабиларни белгилаб чиқинг. Натижада юқоридаги тахтача бўлагининг эгилиши сизга керакли бурчакни аниқлашда ёрдам беради.

Ҳошимжон ЭГАМОВ. Расмлар муаллифники.



Болаларнинг тили ширин

ҚЎЙЛАР

Жажжи Дилмурод китобдаги суратларни томоша қилиб ўтириб, ҳайрон бўлиб дадасидан сўради:

- Дада, мана бу қўйлар ўт емай турaверадими?

ҚУЁН

Жамшид қуённинг суратини топ-чи!

Жамшид китобни варақлади-ю, суратни топа олмади.

- Ахир чопаётган қуённинг сурати бор эди-ку, нега топа олмадинг? - сўради опаси ундан.

- Чопаётган бўлса, у кетиб қолгандирда!- деди Жамшид.

САЛ КАТТАРОҚ БЎЛСИН...

- Мен кучукча боқяпман,-деди Элмурод дўсти Эркинга.

- Отини нима қўйдинг сўради қизиқиб Эркин.

- Сал каттароқ бўлсин, кейин от қўяман.

- Чунки, ҳозир у гапга тушунмайди-да жавоб берди Элмурод.

Тоҳиржон АЗИМОВ тайёрлади.

Ривоят

ТОПҚИРЛИК

Қадим замонда бойлиги билан шуҳрат қозонган Алибек отасига йил ошди бермоқчи бўлиб, от оёғи етадиган ернинг бийларини бой ва бекларини чақирибди. Урдага кирган қадрли кишиларнинг ичида Мамабий ҳам бор экан. Меҳмонларнинг қўлига сув қуйиш, ун икки яшар Шанчи деган болага топширилибди. Ёш бола сув қуйиб келаётиб оёғи шолчага сирганиб, Мамабийнинг олдига қулабди. Бунақасини аввал кўрмаган Мамабий болага қараб:

- Ҳой, бола, улжангдан менга ҳам бер, қолса Алибекка ҳам бер,-деб ҳазилларнинг кулибди.

Шанчи бола қўлга сув қуйиб бўлгандан кейин қумгони-обдастаси билан тоғорасини жойига олиб бориб қўйди-да бийлар ўтирган хонага кириб:

- Яхшилар, рухсат берсаларингиз, Сизларга айтадиган бир оғиз сўзим бор,-дейди.

Мамабий эшитмаган бўлиб, боала қарамайди. Шунда ёнидаги киши

- Тақсир, бу бола Сиздан кечирим сураб келибди,-дейди.

- Қани, нима дейсан? - деб Мамабий болани камситади.

Шанчи бола:

Тонгнинг тонг эканини ким билади,
Саргайиб бориб отмаса,
Кунинг кун эканини ким билади,
Қизариб бориб ботмаса,
Ўрданинг ўрда эканини ким билади,
Менга ўхшаш кутувчи - оёғи тойиб ётмаса
Итнинг ит эканини ким билади
Йиқилиб ётган болани оёғидан қопмаса,
Сўраган сўнг бекорга
Бий ўлжасиз кетарми

Шу сўзим асли тагинга етади!- деганида Мамабий терини артиб ёстиққа бошини қўйибди.

Қиличбой ТЎЛАБОЕВ тайёрлади.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Қишнинг қаттиқ келиши бусиз ҳам оғир қийинчиликларни бошидан кечираётган қўшни Тожикистон халқининг ташвишини орттирди. Республиканинг шарқий районларида айниқса оғир аҳвол юзага келди. Бу ерларда ёққан қорнинг қалинлиги 2-3 метрни ташкил этади. Кейинги икки кун ичида ёққан қор, Душанбедан 30 км узоқликдаги Ромидда-12 кишини босиб қолди. Обигармда эса 11 кишини ҳаётдан олиб кетди. Табиий офат туфайли тоғли районларда йўллар беркилиб, телефон алоқалари ҳам узилган. Мамлакат иқтисодиётига катта зарар етди. Фақат Тоғли-Бадахшон вилоятига табиий офат келтирган зиён 0,5 млн. долларни ташкил этади. Республика ҳукумати зарар кўрганларга ёрдам уюштириш чорасини кўрмоқда.

***

Туркманистон Президенти С.Ниёзов икки кунлик визит билан Бельгияда бўлди. Сафар чоғида туркманбоши Европа иқтисодий кенгаши аъзолари билан музокаралар олиб бориб, вақтинчалик бир нечта шартномалар тузди. Бу иттифоқ Туркманистон иқтисодини кўтариш, айниқса қишлоқ хўжалиги учун сара уруғлар сотиб олишга маблағ ажратадиган бўлди.

***

Сўнгги пайтларда Қозоғистон билан Эрон олий уқув юртлари ўртасидаги алоқалар кенгайиб бораяпти. Оқтуба ва Теҳрон медицина институтлари ўртасидаги келишувга мувофиқ қозоғистонлик бир гуруҳ бўлажак шифокорлар Эронда ўқишларини давом эттирмоқдалар. Оқтуба тиббиёт олийгоҳи ректорининг таъкидлашича, тиббиёт ва ўқитиш соҳаларида Эрон тажрибаларини ўрганса, арзийди.

***

Қозоғистон милицияси ходимлари яқиндан бошлаб фаолиятларида отдан фойдалана бошладилар. Оғир иқтисодий шароит техника сотиб олиш имконини бермаганлиги бу ишни қўллашга мажбур қилган.

***

Бишкекда Урта Осиё мусулмонларининг конференцияси бўлиб ўтди. Анжуман иштирокчилари нутқларидан маълум бўлишича, бу минтақада кейинги вақтда ваҳобийлик оқими пайдо бўла бошлаган. Масалан, Қирғизистон ҳукумати бу йил шу оқим намоёндаларидан 20 кишини мамлакатдан чиқариб юборган, уларнинг уйлари тинтув қилинганда ўқдори қурол-яроғлар ҳам топилган. Қозоғистон муфтийсининг сўзларига қараганда улар МДҲ давлатлари аҳолиси ўртасида китоблар тарқаттанлар, уларни Лондон маблағ билан таъминлаган. Қатнашчилар бу оқимга қарши биргаликда курашишга келишиб олдилар.

Ўзбекистон ва жаҳон

ГЎЗАЛЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Қадимги Хитой файласуфлари «Инсон гўзаликка интилиб яшамоғи керак», — деган эканлар. Чиндан ҳам, биз ҳаётимиз гўзаликка ошуфта бўлишига, атрофимизни ҳамиша гўзал нарсалар ўраб туришига интиламиз. Ўзбекистон халқи шодиёналарни жуда севади. Муҳими, байрам ўтказишни, ташкил этишни билади. Давлатимизнинг Истиқлол санаси нишонланадиган вақтда Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижлик дўстларимиз Тошкентнинг Мустақиллик деб номланувчи бош майдонида нақадар гўзал ва бетакрор тантаналар ўтказилишининг гувоҳи бўладилар. Гўзаликка ошиқ халқимиз ва, албатта, чет эллик меҳмонлар нафақат Ўзбекистон санъаткорларининг беқиёс ижрочилик маҳорати, балки шу тантаналарга ҳамоҳанг равишда жилва этувчи ранго-ранг чироқлар томошасидан ҳам баҳраманд бўладилар. Турли ранглардаги чироқлар ёрдамида саҳнада гўзал тасвирлар, бетакрор безаклар ҳосил этиш бугунги кун жаҳон мусиқа санъатида кенг расм бўлган. Чироқли эффектлар деб номланувчи ушбу саҳна безатиш усули Узбекистонга ҳам кириб келмоқда. Юқорида айтиб ўтганимиз — Мустақиллик байрамидаги чироқлар томошаси шунга мисол бўла олади. Юртимиз нафақат жаҳон сиёсати ва иқтисодиётига интеграциялашмоқда, балки дунёда кенг тарқалган гўзаллик яратиш услубларини ҳам ўзлаштирмоқда. Зеро, элимиз ҳамиша гўзаликка интилади.

Бу фикрларни баён этишимиздан мақсад, яқинда Тошкентда Даниянинг чироқли эффектлар мосламаларини ишлаб чиқарувчи «Мартин» фирмаси маҳсулотлари тақдимот маросими бўлиб ўтди. Шу фирма ҳақида икки оғиз тўхталсак: «Мартин» фирмаси бундан 15 йил олдин даниялик йирик сармоядор Питер Йохансен томонидан ташкил этилган. Фирма катта концертлар, шоу томошалари, халқ сайиллари, халқаро анжуманларда мусиқа асбобларининг товушига ҳамоҳанг жилвалануувчи чироқ мосламаларини ишлаб чиқаради. «Мартин» фирмасининг чироқли эффектларидан машҳур Оскар ва Грэмми мукофотларини топшириш маросимларида, «Спайз Гёрлс» каби машҳур мусиқий гуруҳлар ва Майкл Жексон концертларида фойдаланилади. Ана шу оламга машҳур фирма энди ўз маҳсулотларини Ўзбекистон бозорига чиқариш арафасида. Шу мақсадда фирма Тошкентдаги «Эм-Си-Эй» компанияси билан ҳамкорликда ўз маҳсулотларининг тақдимот маросими ва кўргазмасини ўтказди. «Мартин» фирмасининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бош вакили Жаноб Клаус «Паггаарднинг айтишича, Тошкентдаги кўргазма МДҲда ўтказилган биринчи катта кўргазмадир. «Ўзбекистондаги иқтисодий барқарорлик ва хорижий ишбилармонларга яратилаётган имкониятлар бизни ҳам юртингизга жалб этди», — деди биз билан суҳбатда жаноб Паггаард. Шунингдек, Ўзбекистонга илк бор келган Клаус Паггаард юртимиз ҳақидаги таассуротларини шундай баён қилди:

— Мен бу ерга самолётда учиб келаётганимнинг ўзидаёқ, — деди жаноб Паггаард, — ўзбекистонликларнинг самимияти ва меҳмондўстлигига гувоҳ бўлдим. Ўзбекистонлик стюардессаларнинг кўзларидан аллақандай илиқлик, ишонч нурлари ёғилиб турарди. Тошкентга қўнганимизда ҳам юртингиз кишилари бизни қучоқ очиб кутиб олишди, катта ҳурмат кўрсатишди. Мен пойтахтингиз билан танишишга ҳам улгурдим. Бу ердаги катта қурилишлар, улкан бунёдкорлик ишлари мени қойил қолдирди. Данияда Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон ҳақида жуда кам нарса билишади. Аммо, энди, ватанимга қайтиб боргач, мен у ердагиларга Ўзбекистон ҳақида гапираверириб, барчада ўзал юртингизга катта қизиқиш уйғотаман. Чунки бу ерга келишдан аввал кўпгина давлатларда, Шимолий Европа, МДҲ мамлакатларида бўлдим. Лекин у ерларда ўзбекистондагичалик бой таассурот олмаган эдим.

«Мартин» фирмаси маҳсулотларининг кўргазмасидан сўнг ажойиб концерт намойиш қилинди. Ижро этилган қўшиқларга «Мартин» фирмасининг чироқли эффектлари янада гўзаллик ва жозиба бахш этди. Санада акс этган ранг-баранг чироқлар шуъласи гоҳ юлдузли осмон, гоҳ шимол ёғдуси, гоҳида эса баҳорги нафармон гуллар тасвирига айланиб турди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон бозорига яна бир хорижий фирма кириб келмоқда. У давлатимизнинг ташқи иқтисодий алоқалари равнақига хизмат қилибгина қолмай, элимиз турмушига яна бир гўзаллик нашидасини олиб киради.

Хайрулло НУРИДДИНОВ

Март - Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги

Эзгу мақсад йўлида

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль назорати Бош бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Холмат Зокиров билан суҳбат.

- Холмат Акбарович, суҳбатимизни нима учун ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлигини ўтказиш зарурати пайдо бўлди, деган саволдан бошласак...

- Хабарингиз бор, ўтган йилнинг 5 декабрида Республика Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси йўлларида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» қарор қабул қилди.

Низом амалга татбиқ этилгунга қадар йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш фақат бизнинг соҳа зиммасига юклатилган эди. Шу важдан кўпгина ўткир, мураккаб, айни пайтда бизга боғлиқ бўлмаган муаммоларни ҳал қилишда қийинчиликларга дуч келардик. Мазкур ҳужжатда эса: «Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ вазифаларни бажариш вазирликлар, давлат қўмиталари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, Тошкент шаҳри, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, концерн, корпорация, компания, корхона, ташкилот, муассаса, жамоат бирлашмалари ва ижодий уюшмалар, Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча жисмоний шахсларнинг бурчидир», -деб аниқ белгилаб қўйилди.

Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлигини ўтказиш ташаббуси шунчаки пайдо бўлгани йўқ. Аввало, рақамларга мурожаат қилайлик.

Ўтган йили республика миқёсида руй берган 10 минг 588 йўл-транспорт ходисаси оқибатида 2 минг 73 нафар фуқаро ҳаётдан бевақт кўз юмди. 11 минг 353 киши турли даражада тан жароҳати олди.

Ана шу нуқтаи назардан келиб чиққанда, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 6 февралдаги Фармойиши билан эълон қилинган ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлигини юқорида зикр этилган каби муаммоларни камайтириш борасидаги амалий ишлардан деб баҳоламоқ лозим.

- Ўтган йилги йўл-транспорт ходисалари ҳақида кенгроқ тўхталсангиз. Бундай ходисалар юз беришининг асосий сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

- Сабаблар кўп. Лекин ҳаммасидан ачинарлиси деб мен пиёдаларнинг эътиборсизларча ҳаттиҳаракатларини айтган бўлардим. Эътибор беринг, утган йили пиёдалар айби билан 5 минг 8О2 автофалокат руй берди.

Утган йили 1 минг 364 та фалокат болалар иштирокида юз берди.

Бу фожиаларнинг туб илдизи - аввало оилада, кейин мактабгача тарбия муассасаларида, мактабларда, лицейларда йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш давр талабидан ортда қолаётганида деб биламан. Шу жиҳатдан олиб қаралганда ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги тадбирлари руйхатига жойларда йўл ҳаракати қоидаларини тушунтириш ишларига кенг ўрин берилгани айни муддао бўлди.

Аслида бировлар бошига тушган кулфат ҳақида гапириш - ноқулай. Аммо бошқаларга ибрат бўлсин деган ниятда айрим воқеаларни айтиб утмоқчиман.

Ўтган йилнинг 27 декабрь куни андижонлик Абдумухтор Ҳамроев автомашинасида кетаётиб, Қўрғонтепа туманидаги Навоий кўчасида маст ҳолда гандираклаб юрган Эркин Аҳмаджоновни уриб юборади. Натижада 24 ёшли йигит фалокат қурбони бўлади.

Бу ерда кимни айблайсиз - ҳайдовчиними ёки қоидага амал қилмаган маст пиёданими?

Энди ўтган йил 16 декабрь куни Қорақалпоғистон Республикасида руй берган воқеа тафсилотига тўхталсак. Мурод Дустжонов шахсий машинасини бошқариб бораётганида олдидан кутилмаганда болакай югуриб чиқади. Шофёр тормозни босади, аммо улгуролмайди. Натижада 7 ёшли норасида бевақт вафот этади.

Ўз-ўзидан савол туғилади: қиш чилласида бунинг устига, кечки пайт ёш бола катта йўл ёқасида нима қилиб юрганди? Нима учун катталар у билан қизиқмадилар, нега хавотир олмадилар?

Йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига амал қилмайдиган ёки бу қоидаларга беписанд муносабатда бўлувчилар бундай даҳшатли воқеаларни қисман бўлсада, ҳис этиб, чуқур мушоҳада юритишларини ва зарур хулоса чиқаришларини жуда-жуда истардим.

Шу ўринда ҳайдовчилар томонидан ҳам йўл ҳаракати қоидалари тез-тез бузилиб туришини таъкидлаш лозим. Айниқса, маст ҳолда рулга ўтириш ҳоллари кўп учраши ачинарлидир. Ўтган йили маст ҳайдовчилар томонидан 54О марта йўл-транспорт ҳодисаси содир этилдики, бунинг оқибатида кўплаб фуқароларнинг осуда ҳаётига дарз кетди.

- Бундай ҳоллар қайси соҳа ёки касб эгаларида кўп учрайди, деб ўйлайсиз?

- Бепарволик, масъулиятсизлик касб танламайди. Аммо, «Узбекнефтгаз» миллий корпорацияси тасарруфидаги автокорхоналарнинг 85 нафар ҳайдовчиси ширакайф ҳолатда транспорт бошқараётганида ДАН ходимлари томонидан тўхтатилган ва маъмурий чора кўрилганлигини айтмасдан ўтолмайман. Улар орасида, масалан, Жиззах вилояти нефть маҳсулотлари корхонаси бошлиғининг ўринбосари Т.Ҳомидов, шу корхона ҳайдовчиси Х.Сатторов, Ғаллаорол газ магистрали қувури корхонаси ҳайдовчилари А.Раимқулов, Х.Жиянбоев ва бошқалар борлиги ачинарли.

Шунингдек, «Ўздонмаҳсулот» давлат ҳиссадорлик корпорацияси ҳайдовчиларидан 36 киши, «Узбексавдо» ҳиссадорлик компанияси ҳайдовчиларидан 52 киши, Жиззах вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳайдовчиларидан 3О1 киши маст ҳолда транспорт бошқарганликлари учун маъмурий чорага тортилган. Хулосани ўзингиз чиқариб олаверинг...

Биз март ойида ўтказиладиган тадбирга 3О кун ичида ўтиб кетадиган, кейин ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотадиган шунчаки кампания деб қараётганимиз йўқ. У саҳоватли диёримизда яшаб, меҳнат қилаётган ҳар бир кишининг тинчомонлиги, хотиржамлиги, орзу-ҳаваслари ушалишини таъминлашга қаратилган фаолиятимизнинг бир қисмидир.

Албатта, ушбу тадбирни кенг жамоатчилик иштирокида муваффақиятли якунласак, у йил давомидаги қиладиган ишларимизга ижобий таъсир кўрсатган бўларди. Бу ўз навбатида қанчадан-қанча хонадонларни ғам-аламдан, изтиробдан қутқариб қолиш демакдир. Шу боис, тадбир ижросига ҳисса қўшиш ҳар бир юртдошимиз учун иймон даъватига айланмоғи керак.

Суҳбатдош: Раҳмонали ҚОСИМОВ
/ЎзА/.

ЗИЁКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Маданият янгиликлари

А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида тарбиявий ишлар бўйича проректор Санжар Солиҳов ва Марказий институт касаба уюшмаси қўмитаси раиси Жаҳонгир Ғиёсов ташаббуси билан ҳар ойда Республикамизнинг турли вилоятларидан малака ошириш курсига келаётган тингловчиларнинг ҳам ўқиб, ҳам маданий хордиқ чиқаришлари учун турли тадбирлар уюштирилиб турилади. Утган ойларда «Ҳамза» «Муқимий» номли театрларига жамоа бўлиб спектакл кўришга йўлланмалар тарқатилди. Бундан ташқари ҳаваскорсанъаткор тингловчилар гуруҳи тузилиб, мунтазам равишда концертлар уюштирилмоқда.

Яқинда бу ерда М.Қориёқубов номидаги Узбекистон Давлат Филармониясининг бир гуруҳ санъаткорлари иштирокида катта концерт намойиш этилди. Концерт давомида М.Ёқубов номли академик ва халқ бадиий жамоалари дирекциясининг яккахон хонандаси, Узбекистонда хизмат кўрсатган артист Султонпошша Удаева, хушовоз хонанда Мирзабек Абдуллаевларнинг дилрабо қўшиқ ва лапарлари, филармония раққосаси Шаҳлохон Истамованинг жозибадор рақслари вилоятлардан келган 200 га яқин халқ таълими ходимларини мафтун этди.

Концерт тингловчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Садоқат ФАЙЗИЕВА.

Ислом Раҳматов 14 йилдан бери Самарқанд шаҳар ДАН йўл патрул нозири бўлиб ишлаб келмоқда. Самарқандликлар, меҳмонлар Ислом Раҳматовнинг хушмуомилалигидан, адолатли нозир эканлигидан хурсанд. У ҳозир М.Қошғарий, Улуғбек чорраҳаларидаги ўтувчи техникалар хавфсизлигини таъминлаб турибди.

Суратда: И.Раҳматов ҳайдовчи ҳужжатини кўздан кечирмоқда

Н.Алмуродов олган сурат.

ҚУТЛОВ!

Ҳурматли Фахриддин!

Сизни туғилган кунингиз билан чин юракдан табриклаймиз деб, акангиз Фарҳод, Ғанишер, укаларингиз Содиқ, Бакир, Мирза.

Ғузор тумани.

***

Дили пок, сўзи қувноқ дўстим Ёқутхон!

Баҳор гулларидек гўзаллик, тоғлар каби юксаклик, болалардек беғуборлик умрингиз охиригача тарк этмасин Сизни...

8 март байрами арафасида. Сизга айтар тилакларим шу...

Абдулазиз.

• Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

ҒАЛАБА ЎЗБЕКНИНГ ФАРҲОДЛАРИДА

Дзюдо бўйича мамлакатимиз терма жамоаси жаҳон «А» туркумига кирган йирик халқаро турнирдан қўш ғалаба билан қайтди. Германиянинг Мюнхен шаҳрида ўтказилган бу мусобақанинг нуфузи баланд бўлиб, унда дунёнинг энг кучли полвонлари беллашди. Мюнхен турнирида ҳамюртларимиз кетма-кет уч йил иштирок этишган бўлсаларда, улар совриндорлар сафига кира олмаган эдилар. Лекин бу гал дзюдочиларимиз нималарга қодир эканликларини намойиш этишди. 81 кг да қатнашган бухоролик Фарҳод Тураев ва 90 кг да беллашган Камол Муродовлар ўз вазн тоифаларида Олтин медалга сазовор бўлдилар. Алишер Мухторов, Элбек Орипов, Андрей Штурбабин ва Рустам Юсуповлар совринли ўринларни эгаллашмаган бўлишсада, энг кучли спортчилар деб эътироф этилдилар.

ҒОЛИБЛАРИНГ ҚАЙДА ҚОЛДИ МАЛИКА?!

20-21 февраль кунлари Тошкентдаги РОУБЮ залида 1979 йилда туғилган ва ундан кичик ёшдаги енгил атлетикачилар ўртасида Марказий Осиё давлатларининг анъанавий халқаро мусобақалари бўлиб ўтди. Унда енгил атлетиканинг 24 тури бўйича Қозоғистон, Узбекистон ва Қирғизистон терма жамоалари ғолиблик учун беллашдилар. Қизғин ва муросасиз баҳсларда вакилларимиз 10 та олтин медални қўлга киритдилар. 60 метрга текис югуришда Дилмурод Содиқов, 4 бор 200 метрга эстафетача югуришда Отабек Эгамбердиев, Содиқов, уч хатлаб сакрашда Максим Чубукин, баландликка сакрашда Станислав Богословский, ядро улоқтиришда Антон Савкин ҳамда қизлар ўртасида 60 ва 200 метрга текис югуришда Любовь Перепелова, 400 метрга югуришда Светлана Копытова, ядро улоқтиришда Наталья Бессмертных ва 4 бор 200 метрга эстафетача югуришда терма жамоамиз аъзоларига тенг келувчи рақиб топилмади. 3000 метрга (энг узоқ масофа) югуришда Ҳаёт Муллаева уч ҳатлаб сакрашда Анастасия Кирбятева, Дмитрий Мактаков 200 метрга текис югуришда Марат Бекмўрзин, 60 метрга барьерлараро югуришда Отабек Эгамбердиев (касаба уюшмалари аъзоси) ҳамда ядро улоқтиришда Денис Поповлар иккинчи ўринни эгаллашди. Шунингдек 200 метрга текис югуришда Марат Бекмўрзин, Светлана Копытова, узунликка сакрашда Александр Перфимов, Анастасия Кирбятьева, 400 ва 800 метрга текис югуришда Радик Хуббиев, уч ҳатлаб сакрашда Пак Ирина, 60 метрга барьерлараро югуришда Юлия Блинова ва 1500 метр масофага югуришда Динора Габидулиналар учинчи ўрин билан кифояландилар. Минг афсуски, умумжамоа ҳисобида терма жамоамиз Қозоғистонликлардан 45 очко ортда қолиб, иккинчи ўриндан нарига ўтмади. Утган йили эса атиги уч очкогина вакилларимизни ғолибликдан маҳрум қилганди. 77 очко жамғарган қирғизистонликлар учинчи погонада қолишди.

Шу ўринда жамоамизга биринчи ўринни эгаллашга нима ҳалақит беряпти: тайёргарликми, маҳоратми, деган ҳаққоний савол туғилади. Бизнингча Г Бутунжаҳон ёшлар ўйинлари ва қатор нуфузли мусобақалар яқинлашиб келаётган бир пайтда мураббийлар мамлакатимиз терма жамоаси аъзоларининг тайёргарликлари, маҳорат ва имкониятлари ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўришса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

ШАХМАТ

Яқиндагина барча шахмат мутахассислари ва мухлислари диққат эътибори дастлаб Гронинген, сунгра Лозаннадаги Олимпия музейида нокаут-тизими буйича булиб утган жаҳон биринчилигига қаратилганди. Бироқ ҳаёт тухтаб турмайди. Биринчиликнинг газета-журналлар саҳифаларидаги акс садоси ҳали тинганича йўқ. Унинг камчилик ва ютуқлари ҳақидаги мунозаралар тинмасдан туриб қўплаб энг кучли шахматчилар тахта атрофига ўтиришди.

Голландиянинг денгиз бўйидаги Вейкан-Зее шаҳрида 60-бор маҳаллий метуллургия заводи ҳомийлиги остидаги анъанавий Хооговен турнир («Hoogovens» «юқори печлар» дегани) утказилди. Ундан ортиқроқ анъаналари билан, эҳтимол, бир асрдан зиёдроқ вақт олдин жаҳоннинг барча энг кучли шахматчиларини жамлай олган англиялик Гастингс мақтанишга ҳақли. Бироқ, бизнинг кунларга келиб унинг мавқеи анча тушиб, эндиликда юллузлар таркибини бир жойга йиғиш-туманли Альбион ташкилотчиларининг орзуси, холос. Вейк-ан-Зеада эса бу борада ҳаммаси жойида. Турнир залида кубок кўргазмага қўйилган бўлиб, унга голиблар исмлари ўйиб ёзилган - Ботвинник, Таль, Петросян.

Бу йил ҳам қатнашчилар таркиби анча эътиборли жаҳон чемпиони Карпов, жаҳон рейтингида иккинчи Крамник, Гронинген - 97 қаҳрамонлари Ананд ва Адамс, алоҳида таништиришга муҳтож бўлмаган Топалов, Широв, Гельфанд, Салов ва эркаклар юқори жамиятига аллақачон қабул қилинган Юдит Полгар. Кучлилардан фақат Каспаров ва Леванчук йўқ эди, холос, Меҳмонларга қарши жаҳон тожига бир неча даъвогар бўлган Тимман бошчилигида беш мезбон дона суришди.

Турнирдаги анъанавийлик унинг регламентига алоқадор эмаслиги қизиқ Хооговен-турнир формуласи вақти-вақти билан ўзгара борган. 1993-95 йилларда у олимпияча ва Швейцар тизими аралашмаси ҳолида бўлган. Унда Олимпия тизимида бой берган иштирокчилар маълум шартли очколар билан «Швейцарча» утказиларди. Бу тизимнинг афзаллиги маълум муваффақиятсизликка қарамай, юқори жамият вакиллари ўз иззатини тиклаш имкониятига эга бўларди. Бироқ бу тажриба шу икки йил билан чекланди ва 1996 йилдан Хооговен яна давра тизими бўйича ута бошлади.

Яқиндаги даъвогар Ананднинг гўё «иккинчи нафаси» очилгандай эди. Мадраслик «йўлбарс» афтидан, чемпионатдаги кескин кураш чарчоғини унутгандай эди. Вейк-ан-Зееда у аъло даражада ўйин курсатди. Бу эса Карпов нақадар кучли ва хавфли рақибни енгганидан далолат эди. 10 турдан кейин у бешта ғалаба ва битта мағлубиятдан сунг 7 очко билан карвонбошилик қилди.

Гронингендаги финал учрашувининг бошқа иштирокчиси Майкл Адамс ҳам бўш келмади. Англиялик гроссмейстер қуринишидан жўн, бироқ масъулиятли ўйин услуби билан машҳур. У ўз пайтини кута билиш ва қарши ҳужум қилиш устаси. 10 турдан сунг у 4 ғалаба ва 3 мағлубиятга эга эди.

Финишда ғайрати жўшган Крамник уч ғалабадан сўнг бироз бўшашиб қолган Анандга ета билди. Улар 13 имкониятдан 8,5 очко тўплаб биринчи ўринни бўлишиб олишди. 3-5 ўринларни бўлишганлар эса 7,5 тадан очко эгалари Адамс, Широв ва Тиммонлардир. Ананд ва Адамс ютуғи, шубҳасиз Иломжиновнинг нокаут тизими тарафдорларига қўл келади: кучли шахматчи чемпионатнинг ҳар қайси тартибида маҳоратини кўрсата билади. Бироқ у ҳам биз қатори хато қилишга ҳақли. Иванчук ва Топаловлар бунинг далили, кучсиз шахматчи биринчиликни енгмайди. Якуний жадвалда эса 6-10 урин 6,5 очкодан тўплаган Карпов, Гельфанд, Пикет, Полгар, Топаловларга насиб этди. Сўнгги ўринларда Салов - 5,5, Найбур - 5, ван Вели - 4,5 ва ван дер Стеррен - 4 очко.

Наргиза ЮСУПОВА.

• *Билиб қўйган яхши*

ХОНАКИ ГУЛЛАР ХОСИЯТИ

Уй шароитида биз парвариш қилаётган гуллар хоналаримизни гўзал ва файзли қилиш билан бирга соғлиғимиз учун катта фойда келтиради. Айни чоғда улар кўз ва асабларимизга дам беради, зеро яшил ранг кишини тинчлантириб, ҳиссиётларини жиловлайди. Муъжазгина таралаётган хушбўй ҳид, улардан ажралаётган шифобахш фитонцидларни айтмайсизми? Олимларнинг аниқлашларича, оддий мирт (хушбўй оқ гулли доим ям-яшил бута ўсимлиги) парвариш қилинаётган хонада бу ўсимлик бўлмаган жойга қараганда турли касаллик тарқатувчи микроорганизмлар икки марта камроқ бўлар экан. Мирт ўсимлигининг бошқа турлари ҳам шундай хонадаги ҳавони янгилаш хусусиятига эга. Лиана, хитой атиргули, ромб баргли роициссуслар ҳам шундай вазифани бажаради.

Хонаки ўсимликлар ўзларидан чиқараётган моддалари билан хонадаги намликни мўътадиллаштириб, оғиз ва бурнимиздаги шиллиқ пардаларни қуриб қолмаслигига ёрдам берадиларки, бу жуда катта аҳамиятга эга. Чунки биз ўз ҳаётимизни ярмидан кўпроғини ҳавоси қуруқ бўлган биналарда утказамиз. Утказилган тажрибалар гуллар ва ўсимликларнинг турли хил хусусиятга эга эканлигини кўрсатди. Масалан, яронгул (герань) — хонадаги намликни ва бадбўй ҳидларни ўзига шимади. Шунинг билан бирга ликда бу гул тарқатаётган ёқимли бўй чарчоқни қолдириб, асабийликка барҳам беради. Герандан чиқадиган эфир мойи таркибида киши марказий асаб системасининг фаолиятига таъсир этувчи, яъни асаб толаларининг уйғонишни ва тормозланишини бир маромга келтирувчи моддалар манжуд. Худди шу боисдан ҳам герань баъзи одамларнинг уйқусини нормаллаштиришга ёрдам беради.

Ялпиз бўйи ҳам кишини ҳовурдан туширади, чарчоқни қолдириб, баджаҳилликдан қайтаради. Бундан ташқари у фикрни жамлашга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам амриқолик руҳшуносларнинг компьютер билан кўп ишловчи киши хонасида ялпиз ўстириши, жуда бўлмаса қуритилган ялпизни вақти-вақти билан ҳидлаб турши лозимлигини тавсия қиладилар.

Дунёда мукаммал яратилган, яъни батамом фойда келтирувчи нарсаларнинг ўзи йўқ. Биз деразамиз тагида ўстираётган бинафша фикуснинг (ҳамиша кукариб турувчи барглари яп-ялоқ ўсимлик) ҳаёти бунга ёрқин мисол. Улар кундузи, қуёш нури бор пайтида карбонат ангидритни ютиб, кислород чиқарадилар. Тунда эса бунинг акси бўлади. Шунинг учун ётоқхонани, айниқса, болалар хонасини гуллар билан тўлдиришга берилмаслик лозим. Хонадаги ўсимликлар бронхиаль астма билан оғриган кишиларга салбий таъсир қилишини ҳам эддан чиқармаслик керак. Aspergillus оиласига кирувчи замбуруғлар ҳам ўпка ва нафас йўлларида аллергия қўзғайди. Замбуруғ споралари ҳаво орқали нафас йўлларига киириб, у ерда ўрнашиб қолади ва кўпая бошлайди. Шу боисдан ҳам хоналарда ўстириладиган ўсимликлар учун тупроқ олинганда қуриган барг ва ҳашак тупроққа аралашиб кетмаслиги лозим. Шунингдек, гулларга сув қўйганда тувак ва унинг тагидаги идишдаги сув керагидан ортиқча (қўлоб) бўлмаслиги лозим. Чунки ортиқча сув биринчидан ўсимлик илдизини чиритса, иккинчидан киши саломатлигига ҳам таъсир этади.

Кишилар ўз хоналарида парвариш қилаётган кенг тарқалган ўсимликлар орасида заҳарлилари ҳам бор. Олеанд ва диффенбахия ўстираётганлар жуда эҳтиёт бўлишлари лозим. Чунки ёш болалар билиб-билмай баргларини тишлаб, татиб кўришлари мумкин, уларнинг шарбати эса заҳарли.

Ниҳоят кишилар бир-бирларига тақдим этадиган боғларда ўсадиган гуллар хусусида ҳам икки оғиз сўз. Атиргул, нилуфар, шомурт, сирень, магнолия гуллари ёқимли, бироқ оғир ҳид таратадиларки, бу бронх ва томирларга таъсир этиши мумкин. Чанги гулларни ҳам хоналарда (айниқса ётоқхонада) қолдирмаслик лозим. Чунки гул чанги ҳар хил аллергия бериши мумкин.

Раҳбархон АБДУЛЛАЕВА тайёрлади.

ТАШКИЛОТ ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

Диаметри 12, 14 ммли арматураларни;
Диаметри 32, 35, 40, 45, 50, 63 ммли уголок (уч бурчак)ларни;
Пўлат лист (тахта)ларни;
Бир симли пўлат ҳамда икки симли рух тиканли симларни;
АНО-4(Украина) электродларини;
Қозоғистондан олинган кальций карбидни;
СВО8-А пайвандлаш симларини;
ТО-10, ТО-30 қурилиш ковшларини;
Янги «КамАЗ» самосвал автомобилини;
«Супермаз» автобус автомобилини;
«Иванец», «КамАЗ» кран-автомобилларини;
«Мерседес», «Джип Мицубиси», «Форд» автомобилларини;
ГАЗ, ВАЗ, «Газель», УАЗ, «КамАЗ» сериясидаги автомобилларни;
«Волга», «Жигули», «Дамас», «Тико», «Нексия» ва «Эсперо» автомашиналари учун эҳтиёт қисмларни;
Мотор ёғини, тормоз суюқлигини, транс-миссион ёғини, аксессуарларни;
ЕВ-687 1,2 тоннали электрюклагичларни.

Мурожаат учун телефон: (3712) 77-84-36

"ПГС" ФИРМАСИ ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

Ресторанлар, кафе ва ошхоналар, ишлаб чиқариш ва машиний бинолар, шовқинсиз юқори самарали иситиш учун ҳар хил қувватдаги иситгичлар — калориферлар.

Нархи 45000 сўмдан 50000 сўмгача.

Ташкилот ва корхоналардаги; шифохона, санаторийлардаги; дам олиш уйлари, меҳмонхоналардаги; спорт комплексларидаги ҳаммомларнинг САУНАлари учун махсус даволаш электр ускуналари.

Кичик нонвойхоналар \4 хилдаги: 160,80,32 ва 8 буханка нон пишириш қувватига эга\

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри С.Раҳимов метро бекати.
Тел: (3712) 79-14-29, 79-38-54.

ИШОНЧ ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ НАШРИ

Бош муҳаррир: Саидакром САИДВАЛИЕВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Ҳатлар, оммавий ишлар ва муҳбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.
ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-82-18, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Узбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 4 1—уй. Буюртма Г— 0993. Нусхаси — 23.244. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 21. 00 Масъул навбатчи: Дониёр ЮСУПОВ.

1 2 3 4 5 6